

الحكم تقود إلى السعادة

(الجزء السابع عشر)

تأليف:

أنور أحمد

«Хикматлар – саодатга етаклар»

(Ўн еттинчи китоб)

Тузувчи ва таржимон:

Анвар Аҳмад

Тошкент:
2018 йил

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ТАҚДИМ

Ўзининг илоҳий ҳикмати ила инсонни ҳикматга қобилиятли ва мойил қилиб яратиб, бу билан уни бошқа махлуқотлардан имтиёзли қилган, унга Ўз даргоҳидан ҳикматлар илҳом этган, энг олий ҳикматларни ваҳий қилиб юборган, ҳар бир иши ҳикматли бўлган Ҳақим Зот – Роббимиз Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога Ўзининг ҳикматлари кўламича ҳамду санолар бўлсин!

Ҳақим Зотнинг энг ҳақим бандаси, инсониятга ҳикматни – суннатни ўргатган, ўлмас ҳикматлар қолдирган, бутун ҳаёти тўлалигича ҳикмат бўлган, башариятнинг ҳақими, севиқли Расулимиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган ҳикматлари ададича салавоту саломлар бўлсин!

Ҳикматга ошиқ бўлган, қалблари ҳикмат нурига тўлган, бутун ҳаётини ҳикмат асосида қуришга интиланган ҳикматли бандаларга Аллоҳнинг ризоси ва раҳмати бўлсин!

Аллоҳ таоло инсонни бошқа мавжудотларни яратганидек, «Бўл!» деган амр билан эмас, балки Ўз кўли билан яратиб, унга Ўз ҳузуридан руҳ пуфлаган. Шунинг учун инсон бошқа бирор жонзотда топилмайдиган хусусиятларга эга бўлди. Инсонни бошқа махлуқотлардан фарқлаб турадиган ана шундай хусусиятларидан бири – унинг ҳикматга ошнолигидир. Инсоннинг ҳикматга бўлган интилиши ундаги ақл жавҳарига бевосита боғлиқдир. Аммо ҳикмат инсоннинг фақатгина ақлий қобилиятининг маҳсули эмас. У кўпроқ руҳнинг маркази бўлмиш қалбга боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, унинг булоғи ҳам қалб, сингадиган ўрни ҳам қалбдир. Инсоннинг қалби қанчалик мусаффо бўлса, ҳикматга шунча кўпроқ мойил бўлади, уни яхшироқ сингдиради ва ўзи ҳам аста-секин ҳикмат булоғига айланиб боради. Ана шундай қалб эгаси ҳақим дейилади.

Хўш, ҳикмат ўзи нима? Унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

«Ҳикмат» арабча сўз бўлиб, «мустаҳкамлик», «ман қилиш», «донишмандлик», «оқилоналик», «ҳукм» маъноларини билдиради. Уламолар ҳикматга турлича таъриф берганлар.

Ибн Мурдавайх Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан нақл қилади: «Ҳикмат – ақл, фаҳм ва топқирликдир».

Роғиб айтади: «Ҳикмат – илм ва амалда ҳақиқатни топишдир».

Абу Ҳайён айтади: «Ҳикмат – одамлар ваъз оладиган, ўзларига танбеҳ оладиган ва бир-бирларига айтиб юрадиган мантиқдир».

«Ал-Муъжамул-васит» китобида шундай дейилади: «Ҳикмат – энг афзал илмлар асосида ишларнинг энг афзалини билиш, тушуниб етишдир».

Ҳақимларнинг кўплари ҳикматга қуйидагича таъриф беришади: «Ҳикмат – нарсаларнинг ҳақиқатини инсоннинг имконияти етадиган даражада асл ҳолида билишдир».

«Ҳикмат» сўзи бизнинг тилимизда ҳам юқоридагига яқин маъноларда ишлатилади. Донишмандликка, оқилона гап-сўзларга, иш-холатларнинг сир-асрорларига нисбатан ҳам айнан ҳикмат сўзи қўлланилади.

Инсоният тарихида ўзининг ҳикматли гаплари билан ном чиқарган биринчи зот Довуд алайҳиссалом ҳисобланадилар. Ҳикмат билан танилган, ҳақимларнинг устози деб тан олинган буюк шахс – Луқмон Ҳақим ҳам Довуд алайҳиссаломнинг шогирди ҳисобланади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Луқмон Ҳақим ҳақида шундай дейди:

«Батаҳқиқ, Биз Луқмонга Аллоҳга шукр қилгин дея ҳикматни бердик. Ким шукр келтирса, фақат ўзи учун шукр келтиради. Ким куфр келтирса, албатта, Аллоҳ Ғаний ва мақтовга сазовор Зотдир» (Луқмон сураси, 12-оят).

Аллоҳ таолонинг Луқмонга ҳикмат неъматини берганини алоҳида таъкидлаши, унинг ҳақимлигини мақташи, айрим ҳикматли сўзларини сиз билан бизларга насиҳат ўларок

келтириши, Куръони Каримдаги бир сурани унинг номи билан аташи – барча-барчаси Аллоҳ таолонинг ҳузурида ҳикматнинг нақадар юксак эътибори борлигини кўрсатади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Куръони Каримда пайғамбарлик вазифаларидан бири – кишиларга ҳикматни ўргатиш эканини очик айтиб қўйган:

«Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиладиган, сизларни поклайдиган, сизларга китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Расул юбордик» (Бақара сураси, 151-оят).

Ҳа, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарлик ҳаётидаги асосий вазифаларидан бири инсонларга ҳикматни ўргатиш бўлган. У зотнинг суннатлари тўла ҳикматдир. Сўзлаган сўзлари ҳам, қилган ишлари ҳам, ҳатто сукутлари ҳам ҳикматдан иборат эди. Шу боис, муфассир уламоларимиз оятдаги «ҳикмат»ни «суннат» деб тафсир қилганлар. Дарҳақиқат, ҳикматнинг энг олий намуналари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида акс этган.

Ҳикмат деганда биринчи бўлиб инсоннинг ўз Яратувчисини таниши тушунилиши лозим. Имом Ғаззолий айтади: «Ҳамма нарсани билган, лекин Аллоҳни танимаган кишини ҳаким деб бўлмайди, чунки у энг улуғ ва энг афзал маърифатдан маҳрумдир».

Ҳикмат инсоннинг ҳаётини тартибга солишга, унинг осойишта, сермазмун ва сермахсул ҳаёт кечиришига, хато-камчиликлардан, тойилишлардан холи бўлишга хизмат қилувчи юксак билимдир. Ҳикмат инсоннинг ақлини чархлайди, заковатини оширади. Ҳикмат билан иш тутиш инсоннинг оиладаги, жамиятдаги, ҳатто ўз наздидаги мартабасини кўтаради. Ҳикматлар инсонга ҳаёт тажрибасининг тайёр хулосасини тақдим қилади.

Бир ҳакимдан: «Инсон бир неча юз йил умр кўриши мумкинми?» деб сўрашибди. У: «Ҳа», деб жавоб берибди. «Қандай қилиб?» дейишибди. Шунда ҳаким: «Китоб ўқиб. Китоб бир инсоннинг бир неча йил, балки бир умрлик тажриба ва билимларининг хулосаси ўлароқ дунёга келади. Уни ўқиган киши ўшанча умр кўрган ҳисобланади», деб айтган экан.

Инсонга ана шундай асрларга татигулик умр бахш эта олувчи китоблар ичида энг қимматлиси, шубҳасиз, ваъзу-ҳикматга доир асарлардир. Бинобарин, ҳикматларни ўзига сингдира билган одам минг йиллаб умр кўргандек тажрибага эга бўлади. Зеро, айрим ҳикматлар бутун бир инсон умрининг хулосаси ўлароқ дунёга келган. Бундай ҳикматларни ўрганган киши ўша ҳикматларни айтган инсонларнинг умрича ҳаёт кечиргандек бўлади.

Ислом уммати ҳикматни ўрганишга, уни ҳаётда акс эттиришга, ҳар бир иш ортидаги ҳикматларни очиб беришга қадимдан интилиб келган. Жумладан, улуғ аждодларимиз ҳам ҳақиқий ҳикматпарвар, ҳикматга шайдо инсонлар бўлишган. Шунинг учун ҳам улуғ бобокалонларимизнинг илмий меросларида дунёдаги энг гўзал ҳикматлар акс этган. Бунинг натижаси ўлароқ, халқимизда ҳикматли сўзларга бўлган қизиқиш бошқа халқларга қараганда анча юқори даражада туради. Ушбу ҳақиқатни яхши англаган устоз Анвар Аҳмад жаноблари араб адабиётларидан юзлаб ҳикматларни тўплаб, уларни ўзбек тилига таржима қилиб, **www.arabic.uz** сайтнинг «Тасвирдаги ҳикматлар» бўлимида мунтазам бериб боришни йўлга қўйдилар. Бундан кўпчилик ўқувчилар мамнун бўлишди, кўплаб яхши фойдалар олишди. Бу олқишлардан илҳомланган муҳтарам таржимонимиз интернет оламига сайр қилиш имкони бўлмаган ўқувчиларга ҳам ушбу гавҳарлардан баҳраманд қилиш ниятида мазкур ҳикматларни рисола шаклида чоп этишга қарор қилдилар. Қўлингиздаги китобча ушбу хайрли ишда қўйилган илк қадам, ўзига хос дебочадир.

Бугунги кунда маълумот ўқиш учун турли замонавий воситалар беҳад кўпайиб, оммалашиб, қулайлашиб, ўқувчиларни ўзига ром этган бўлса-да, китоб ўзининг қийматини йўқотгани йўқ. Китоблар барибир илм-маърифат манбаи ўлароқ китоб расталарини тўлдириб турибди. Дарҳақиқат, китобнинг ўрни бошқа. Ундан фойдаланиш учун электр токи, бирор жиҳоз ва шунга ўхшаш омиллар шарт эмас. У қачон қўл чўзсангиз, «Лаббай!» деб келадиган, то сиз зериккунингизча сиздан аримайдиган энг вафодор дўстдир, суҳбатдошдир. Ана шу эътибордан, таржима қилинган ҳикматларни китоб шаклида тақдим этилишини қўллаб-қувватлаш лозим.

Ушбу рисоладаги ҳикматлар маълум бир соҳага чекланмаган бўлиб, эркин мавзудадир. Унда инсоннинг Аллоҳ таоло билан бўладиган муносабатлари, бошқа инсонлар билан бўладиган алоқалари ҳамда ички оламини назорат қилиш, кишининг ўз-ўзини тарбиялашига доир хилма-хил ҳикматлар мавжуд. Уларда саҳобаи киромлардан тортиб, бугунги кундаги донишманд инсонларнинг кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган. Ҳар бир ҳикматга махсус расм ишланган. Китобчадан кўзланган мақсадлардан бири – араб тилини янги ўрганган кишиларда таржима малакасини ошириш бўлгани боис, аввал суратларда ҳикматнинг арабча матни берилиб, таржима сурат остида тақдим этилган. Бу ҳам яхши бир услуб: ўқувчи таржима қилишни ўрганиш билан бирга энг қимматли ва сара маълумотларга, илм-маърифатга эга бўлади.

Ҳикматларнинг кўпи халқ оғзаки ижодига айланиб улгургани учун кўп ўринда уларнинг муаллифи шахсан кўрсатилмаган. Аммо таржимонимиз омонат сифатида, уларни асосан куйидаги интернет саҳифаларидан олинганини айтади:

- 1) ثقّف نفسك
- 2) كلام من القلب
- 3) خذ الحكمة
- 4) بستان الحكماء
- 5) ثقافة حول العالم
- 6) الموسوعة بوك
- 7) ثقافة وعلوم
- 8) حكمة اليوم
- 9) طريق الجنة
- 10) أقوال أعجبتني
- 11) كنوز من الحكمة
- 12) ذكر الله
- 13) عذب الكلام
- 14) عالم الثقافة والمعرفة

Ҳикматларни таржима қилишда имкон қадар ўртача йўл тутишга ҳаракат қилинган: бир йўла матнга ёпишиб олиб, айнан сўзма-сўз таржима қилишдан ҳам, матнни бир четга қўйиб, умумий маънони таржима қилишдан ҳам қочилган. Зеро, таржима тамоман сўзма-сўз бўлиб қолса, тил ўрганувчиларнинг малакасини ошира олмайди, натижада ўқувчи ғализ ва тор таржима қилишдан нарига ўта олмай қолади. Агар умумий мазмунни ўгиришга ўтилса, бунда ҳам ўқувчида таржима маҳорати шаклланмайди, матнни тўлиқ эмас, балки хулоса шаклида таржима қиладиган ва қоидаларни ишлата билмайдиган бўлиб қолади. Агар ўқувчиларимиз ушбу таржимадан ва ундаги маънолардан озгина бўлса-да фойда олсалар, мақсадга етган бўламиз.

Аллоҳ талодан ушбу камтарона уринишни Ўз даргоҳида хусни қабул айлаб, барча китобхонларимиз учун манфаатли қилсин. Муҳтарам таржимонимиз Анвар Аҳмад жанобларига оилавий бахт-саодат, сўнмас ғайрат, ижодий ишларига барака ато этсин.

Ушбу «**Ҳикматлар – саодатга етаклар**» "الحكم – تقود إلى السعادة" китобининг кейинги қисмларини ҳам китобхонларга тез кунларда, янада юқорироқ савияда тақдим этиб боришларида Ўзи мададкор бўлсин.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

(وقالوا لجلودهم لم شهدتم علينا قالوا أنطقنا الله
الذي أنطق كل شيء) .
هي جوارحُ ستتنطقُ بالحق ..
فجهزها لتتنطقَ بما يسرُّك عند ربك !!

3556. «Улар териларига «Нима учун бизга қарши гувоҳлик бердингиз?» дейишганда (терилари): «Бизларни барча нарсани сўзлатган Аллоҳ сўзлатди», дейдилар» (Фуссилат сураси, 21-оят).

Аъзолар гапиртирилар экан, демак Роббинг ҳузурида турганингда аъзоларинг сени хурсанд қиладиган нарсани айтиши учун тайёргарлик кўриб қўй!



«لقد كان في يوسف وأخوته آيات للسالين»

* فحب الاب شيء رائع في ظاهره ..!!
لكنه كان سببا لرمي يوسف في البئر ..!!
* ووجوده في البئر امر سيء في ظاهره ..!!
لكنه كان سبباً لدخوله بيت العزيز ..!!
* وقصر العزيز مأوى حسن في ظاهره ..!!
لكنه كان سبباً لدخوله السجن ..!!
* ودخوله السجن امر سيء في ظاهره ..!!
لكنه كان سبباً في ان يصبح عزيز مصر ..!!
ف وراء كل ابتلاء منحة وعطاء
«ان ربي لطيف لما يشاء»



3557. «Юсуф ва унинг оға-инилари (ҳақидаги қисса)да сўровчилар учун оят-ибратлар бордир» (Юсуф сураси, 7-оят)

– Отанинг муҳаббати зоҳиран яхши нарса, лекин бу Юсуф алайҳиссаломнинг қудукқа ташланишига сабаб бўлди.

– Қудукқа тушиб қолишлари зоҳиран ёмон нарса, лекин бу вазирнинг хонадонига киришларига сабаб бўлди.

– Вазирнинг қасри зоҳиран яхши маскан, лекин бу зиндонга тушишларига сабаб бўлди.

– Зиндонга тушишлари зоҳиран ёмон ҳолат, лекин бу Мисрнинг вазири бўлишларига сабаб бўлди.

Демак, ҳар бир бало-офатнинг ортида совға ва тухфа бор экан.

«Роббим Ўзи хоҳлаган нарсани сездирмай амалга оширгувчи Зотдир» (Юсуф сураси, 100-оят).



3558. Бир киши имом Абу Зуръа ар-Розийнинг хузурларига келиб, «Эй Абу Зуръа! Мен Муовиядан хафаман», деди. Абу Зуръа: «Нима учун?» дедилар. У: «Чунки Муовия Алига қарши жанг қилган», деди. Шунда Абу Зуръа: «Муовиянинг Робби раҳмли Роббдир. Муовиянинг рақиби ҳам олийжаноб рақибдир. Сен буларнинг ўртасига сукилиб нима қиласан?» дедилар.



3559. Бишр Ҳофий: «Ким одамлар уни танишини, яъни машҳур бўлишни яхши кўрса, охират ҳаловатини топмайди», дедилар.

أسئلة وجواب
 في القرآن الكريم ؟
 س 1 : ما هي السورة القرآنية التي تشفع لمن قرأها؟
 ج 1 : هي سورة الملك كما ثبت في الصحيح.
 س 2 : ما هي الآيات العشر التي تعصم الإنسان من الدجال ؟
 ج 2 : هن أول عشر آيات من سورة الكهف .
 س 3 : ما هي السورة التي نزلت بكاملها؟
 ج 3 : هي سورة المدثر.
 س 4 : ما هي السورة التي تسمى ستار القرآن؟
 ج 4 : سورة البقرة.
 س 5 : ما هي السورة التي حث الرسول صلى الله عليه وسلم النساء على تعلمها؟
 ج 5 : سورة النور.
 س 6 : ما هي السورة التي تسمى سورة الحواريين؟
 ج 6 : سورة الصف .
 س 7 : ما هي سورة التوديع؟
 ج 7 : سورة النصر.
 س 8 : ما هي سورة الضرائض؟
 ج 8 : سورة النساء .
 س 9 : ما أعظم سورة في القرآن ؟
 ج 9 : سورة الفاتحة.
 س 10 : ما هي الآية التي جمعت كل حروف اللمعة العربية؟
 ج 10 : هي آخر آية في سورة الفتح
 س 11 : ما هي السورة التي تسمى سورة النساء الصغرى؟
 ج 11 : سورة الطلاق .
 س 12 : ما هي السورة التي تسمى عروس القرآن؟
 ج 12 : سورة الرحمن.
 س 13 : ما هي السورة التي تسمى المنجية ؟
 ج 13 : سورة الملك (تبارك)

3560.

Савол: Ўқиганни шафоат қиладиган сура қайси?

Жавоб: Саҳиҳ ҳадисда келганидек, Мулк сураси.

Савол: Инсонни дажжолдан сақлаб қоладиган ўн оят қайси?

Жавоб: Каҳф сурасининг дастлабки ўн ояти.

Савол: Қайси сура бир мартада тўлиқ нозил бўлган?

Жавоб: Муддассир сураси.

Савол: Қайси сура Қуръоннинг ўрқачи деб аталади?

Жавоб: Бақара сураси.

Савол: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қайси сурани аёллар ўргансин деганлар?

Жавоб: Нур сурасини.

Савол: Қайси сура Ҳаворийлар деб аталади?

Жавоб: Соф сураси.

Савол: Видолашув сураси қайси?

Жавоб: Наср сураси.

Савол: Мерос ҳақидаги сура қайси?

Жавоб: Нисо сураси.

Савол: Қуръондаги энг буюк сура қайси?

Жавоб: Фотиҳа сураси.

Савол: Араб алифбосидаги барча ҳарфларни ўзида жамлаган оят қайси?

Жавоб: Фатҳ сурасининг охирги ояти.

Савол: Қайси сура кичик Нисо сураси деб аталади?

Жавоб: Талоқ сураси.

Савол: Қуръоннинг келинчаги қайси сура?

Жавоб: Ар-Роҳман сураси.

Савол: Қайси сурани нажот берувчи деб аталади?

Жавоб: Таборак, Мулк сураси.

التغريدة




د أحمد عيسى المعصراوي

قال ابن الصلاح رحمه الله
من حافظ على أذكار الصباح والمساء وأذكار بعد
الصلوات وأذكار النوم
عُدَّ من الذاكرين الله كثيراً
الأذكار للنووي ١٠

3561. Ибн Салоҳ шундай дебдилар: «Ким суннатда келган тонгги ва кечки, намоздан кейинги ва уйкудан олдинги зикрларни бардавом айтиб юрса, «Аллоҳни кўп зикр қилувчилар» деган мақомдаги зокирлар жамоасидан ҳисобланади».



3562. Дунё (мусофир каби) ўтиб кетиш учун яратилган, унга эга чиқиш учун эмас, шунчаки яшаб ўтиш учун яратилган, обод қилиш учун эмас.



3563. Уламолар уч хил бўлади.

1. Аллоҳни танувчи олим.
2. Аллоҳнинг амрини танувчи олим.
3. Аллоҳни ҳам, Унинг амрини ҳам танувчи олим.

Аллоҳни танувчи олим Аллоҳдан кўрқади, аммо суннатни билмайди.


Аллоҳнинг амрини танувчи олим суннатни билади, аммо Аллоҳдан кўрқмайди.

Аллоҳни ҳам, Унинг амрини ҳам танувчи олим суннатни ҳам билади, Аллоҳдан ҳам кўрқади. Мана шундай олим осмонлар мулкида буюк зот саналади.



3564. Фейсбукдан фойдаланувчиларга насиҳатлар:

1. Ҳақиқатни юзага чиқаришни мақсад қилинг.
2. Ботилни йўққа чиқариш ҳаракатида бўлинг.
3. Ман этилган фаҳш нарсаларни тарқатишдан сақланинг.
4. Дин, шахслар, миллатлар ва халқларни латифа қилишдан ҳазир бўлинг.
5. Фойдасиз тортишувларларга машғул бўлманг.
6. Миш-миш тарқатувчи манбага айланиб қолманг.
7. Ҳадис, қисса ва хабарларнинг саҳиҳлигига эътибор беринг.
8. Мақола ва постларингиздан одамларга манфаат етишини мақсад қилинг.
9. Жўнатаётган ҳар бир сўзингиз зарарингизга эмас, фойдангизга гувоҳ бўлсин.
10. Яхшилиқни очувчи, ёмонликни ёпувчи бўлинг.



3565. Қалбинг хира тортиб, сушлашиб қолсанг, (маънавий устозим деб билган) севган инсонинг ҳузурига бориб, қалбингни поклашинг гўзал ҳолатдир. Зеро, ҳар гал унинг олдига заиф ҳолда келиб, кучли руҳоният билан қайтасан.

Шайх Ражаб Нақибандий

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

نصائح الصباح

عندما يحب الزوج أمه أو أخته لا يعني -أبداً -
نقص في محبته لزوجته
ما أصدق المثل الشعبي البسيط:
"القلب دكان وكل له مكان"

3566. Тонги насихатлардан:

Киши онаси ёки синглисини яхши кўрса, хотинига нисбатан муҳаббатига путур етади дегани эмас. «Қалб дўкондир, унда ҳаммага жой бор» деган содда сўз айни ҳақиқатдир.



3567. Бахт-саодат уч нарсададир: Аллоҳнинг амрига риоя қилиш, Аллоҳ берган ризққа қаноат қилиш ва Аллоҳнинг қазои қадарига рози бўлиш.



3568. Уч нарсанинг ечими йўқ:

1. Дангасалик аралашган камбағаллик.
2. Ҳасад эгаллаб олган адоват.
3. Такаббурлик аралашган жаҳолат.



3569. Мақсад бир бўлса, қарашлар турли бўлишнинг зарари йўқ.



3570. Эмизикли Мусо алайҳиссалом энг заиф ҳолатда бўлишига қарамай, дарё у зотни ғарқ қилмади. Аммо куч-қувватнинг чўққисида турган бўлишига қарамай, Фиръавнни ғарқ қилди. Демак, ким Аллоҳ билан бўлса, заифлиги зарар бермайди. Ким Аллоҳ билан бўлмаса, кучлилиги фойда бермайди.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال تعالى :
(وَشِفَاءٌ لِّمَا فِي الصُّدُورِ)
كل ما تشعر به من ألم وخوف وتوتر وضيق :
في القرآن شفاؤه ..
ناضل بصدق في البحث عن دوائك
والله لتجدنه

3571. «Сизларга Роббингиздан мавъиза, қалбингизга шифо, мўминларга ҳидоят ва раҳмат келди» (Юнус сураси, 57-оят)

Ғам-аламга ботсанг, хавф-хатарда қолсанг, кескин ва танг аҳволга тушсанг, бунинг шифоси Қуръонда. Сен давони астойдил излагин, Аллоҳга қасамки, уни аниқ топасан!

{ إِنَّ الْإِنْسَانَ لِرَبِّهِ لَكَنُودٌ }

قال الحسن البصري:

الكنود هو:

الذي يعد المصائب وينسى نعم الله عليه.

اللهم لا تجعلنا منهم

3572. «Инсон Роббига ношукрдир» (Адият сураси, 6-оят)

Ҳасан Басрий ушбу оятдаги «Лаканууд» сўзини шарҳлаб, «Бу ерда мусибатларини бирма-бир санайдиган, лекин Аллоҳнинг неъматларини унутадиган кимса назарда тутилган», деганлар.

Аллоҳим, шундай кимсалардан бўлиб қолишдан асра!



3573. Саъид ибн Мусаййиб шундай дебдилар: «Бир киши таҳажжуд ўқиса, Аллоҳ унинг юзида нур пайдо қилади. Натижада уни барча мусулмонлар яхши кўриб қолади. Ҳатто уни кўрмаган одам ҳам: «Мен ўша кишини яхши кўраман», дейди».



3574. «Ер юзидаги бор нарсани сарфласангиз ҳам, уларнинг дилларини бирлаштира олмаган бўлар эдингиз. Лекин Аллоҳ уларни бирлаштирди» (Анфол сураси, 63-оят)

Ўзаро муҳаббат – илоҳий кўмак мевасидир, шахсий ғайрат меваси эмас.



3575. Аксам ибн Сойфий шундай дебдилар: «Ҳақиқий дўст – мухтож бўлганингда пулини сарфлайдиган, мусибатга учраганингда жонини фидо қиладиган, йўқлигингда обрўингни сақлайдиган, сўраганингда сенга нафи тегадиган кишидир».

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

أخبر الله تعالى خلقه
أن من قرأ القرآن
وأراد به متاجرة مولاه الكريم
فإنه يربحه الربح الذي لا بعده ربح ويعرف
بركة المتاجرة في الدنيا والآخرة

3576. Аллоҳ таоло махлуқотларига шундай дейди: «Ким Куръон ўқиб, Мен билан тижорат қилмоқчи бўлса, шундай улкан фойдани қўлга киритадики, ундан кейин бошқа фойданинг кераги бўмайди. У ўша тижоратнинг баракасини дунёда ҳам, охиратда ҳам кўради».




3577. «Сизларга берилган барча ноз-неъматлар Аллоҳдандир» (Наҳл сураси, 53-оят)

Иймон, соғлиқ, сув, Ислом, илм, чорва, мол-дунё, ҳаво, ақл, фарзанд, қулоқ, кўз, қалб, айбларнинг яширилиши ва омонлик – бандаларга ато қилинган неъматлардандир.



3578. Бир ҳақим зотдан: «Энг бахтли одам ким?» деб сўрашди. У зот: «Одамларни бахтли қилган одам», дедилар.



3579. Ҳафс ибн Муҳаммад шундай дебдилар: «Яхшилик уч нарса билан камолига етади: 1. Кечиктирмай, тезроқ бажариш. 2. Уни кичик санаш. 3. Пинҳон тутиш».



3580. «Эртаю кеч Роббига дуо қилиб, Унинг розилигини истовчилар билан бирга сабр қил» (Каҳф сураси, 28-оят).

Эргашишимиз керак бўлганлар кўплик шаклида ифода қилинган.

«Биз қалбини зикримиздан ғофил қилиб қўйган ва ҳавойи нафсига эргашиб, иши издан чиққанга итоат қилма» (Каҳф сураси, 28-оят).

Эргашмаслигимиз керак бўлган кимса бирлик шаклида ифода қилинган.

Демак, бир киши ҳам бизни солиҳлар сафидан чиқариб юбориши мумкин экан!

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال محمد بن قاسم :
قلت لأبي : يا أبت ، أوصني .
فقال: أوصيك بكتاب الله
فلا تنسَ حظك منه ،
واقراء منه كل يوم جزءاً ،
واجعل ذلك عليك واجباً .

3581. Муҳаммад ибн Қосим шундай дедилар: «Отажон, менга насихат қилинг!» дедим. Отам шундай дедилар: «Аллоҳнинг китобини маҳкам тут, ундаги насибангни унутмай, ҳар куни бир жуз ўқигин. Буни ўзингга вазифа қилиб ол!».

Изоҳ: Бир жуз Мадинада чоп қилинган мусхафда 10 варақ бўлади.



3582. Доктор Марти Тенху (Martti Tenhu) арокхўр одамнинг юраги соғлом юракдан икки барабар каттариб кетишини намоиш қилмоқда. Юракнинг катталашиб кетиши қоннинг қуйилишига халақит бериб, унинг йўлини тўсади, қон босимини ошириб, барвақт ўлимга олиб келади.

Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Аллох хамрни хам, уни ичганни хам, қуйиб берганни хам, сотганни хам, сотиб олганни хам, тайёрлаганни хам, тайёрлатганни хам, ташиганни хам, ташитганни хам лаънатлади», дедилар».

Имом Термизий ривояти.


Изоҳ: Докторнинг ўнг қўлидаги соғлом юрак, чап қўлидаги арокхўрнинг юраги.

عندما تُعطي الصلاة
المكانة الأولى في
حياتك ..
كل الأمور الباقية تأخذ
أماكنها الصحيحة
تلقائياً ...

3583. Намозни ҳаётингдаги энг асосий ўринга қўйсанг, қолган барча ишларинг ўз-ўзидан тўғриланиб кетаверади.



3584. Ибн Қутайба шундай дебдилар: «Фосиқ учун олимнинг тойилишидан яхши нарса йўқ. Дангаса учун обрўли кишининг урилиб кетишидан яхши нарса йўқ. Шунинг учун «Аллоҳим, айбларимни шамоллар очиб юбора олмайдиган, найзалар теша олмайдиган парда билан тўсиб бергин», деб юраман».



3585. Сулаймон алайҳиссалом: «Роббим, мени мағфират қилгин ва менга ўзимдан кейин ҳеч кимга берилмайдиган мулку салтанат ҳадя этгин» деб дуо қилганлар (Сод сураси, 35-оят). Эътибор беринг, мол-мулк ўрашдан олдин мағфират сўрамоқдалар. Чунки гуноҳлар кўплаб яхшиликларни тўсиб туради. Дуони «Роббим, гуноҳларимни кечир, авф қил» деб, мағфиратга сабаб бўлувчи сўзларни айтишдан бошланг. Шундан кейин хоҳлаган нарсангизни сўрайверинг.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

القلب السليم هو ما سلم من ستة أدواء:
 فهو سليم من الشرك
 سليم من الجهل
 سليم من الكبر
 سليم من الغفلة
 سليم من حب الدنيا
 سليم من سيئ الأخلاق

3586. Қалб олти дарддан холи бўлса, соғлом қалб бўлади:

1. Ширқдан холи бўлса.
2. Жаҳолатдан холи бўлса.
3. Кибрдан холи бўлса.
4. Ғафлатдан холи бўлса.

5. Дунё муҳаббатидан холи бўлса.

6. Ёмон хулқлардан холи бўлса.



3587. «Одамларнинг ярми ёмон» десанг, ҳамма сендан ранжийди, лекин «Одамларнинг ярми яхши» десанг, ҳамма сени олқишлайди. Ваҳоланки, иккиси ҳам бир гап. Демак, доим гапни яхшиликка буриб айтиш керак экан.

عَنْ عمر بن الخطاب رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ :

لا تتفكر في ثلاثة أشياء.

1 - في الفقر فيكثر همك
وغمك ويزيد في حرصك .

2 - ولا تتفكر فيمن ظلمك فيفتاظ قلبك
ويكثر حقدك ويدوم غيظك .

3 - ولا تفكر في طول البقاء في الدنيا
فتحب الجمع وتضيع العمر
وتسوف في العمل *

3588. Умар ибн Хаттоб розияллоху анху шундай деган эканлар: «Уч нарса ҳақида ташвиш қилма:

1. Камбағаллик ҳақида ўйлама, чунки ғаминг кўпайиб кетади. Ғам-ғусса эса очкўзликни зиёда қилади.

2. Сенга зулм қилган киши ҳақида ҳам ўйлама, чунки қалбинг ғзабга тўлиб, адоватинг кучайиб, қаҳр-ғзабинг бардавом бўлиб қолади.

3. Дунёда узоқ қолиш ҳақида ҳам ўйлама, чунки мол-дунё йиғишга қизиқиб, умрингни зое қиласан, амал қилишни эса ортга сурасан.



لا تضع على كتاب الله شيئا!

قال البيهقي رحمه الله :

لَا يُحْمَلُ عَلَى الْمُصْحَفِ كِتَابٌ آخَرُ، وَلَا
ثَوْبٌ، وَلَا شَيْءٌ.
إِلَّا أَنْ يَكُونَ مُصْحَفَانِ، فَيُوضَعُ أَحَدُهُمَا
فَوْقَ الْآخَرِ : فَيَجُوزُ.

شعب الإيمان 3 / 329

katrat.ihsan katratihsan



الدال على الخير كفاعله

3589. Аллоҳнинг каломи – Қуръони Карим – мусхафнинг устига ҳеч нарса қўйма!

Имом Байҳақий роҳимахуллоҳ шундай деганлар: «Мусхаф устига ҳар қандай китоб ҳам, кийим ҳам, бошқа нарса ҳам қўйилмайди. Мусхафнинг устига фақат бошқа мусхаф қўйиш мумкин, холос».

من مفاتيح
الرزق

AlBetaqa.com

قال الله تعالى : ولو أن أهل القرى آمنوا واتقوا لفتحنا عليهم بركات من السماء والأرض ولكن كذبوا فأخذناهم بما كانوا يكسبون (الأعراف : 96)	الإيمان	✓
قال الله تعالى : ومن يتق الله يجعل له مخرجاً (-) ويرزقه من حيث لا يحتسب (الطلاق : 32)	التقوى	✓
قال الله تعالى : فقلت استغفروا ربكم إنه كان غفراً (-) يرسل السماء عليكم مدراراً (-) ويمددكم بأموال وبنين ويجعل لكم جنات ويجعل لكم أنهاراً (نوح : 12، 10)	الاستغفار	✓
قال الله تعالى : وإذ تأذن ربكم لئن شكرتم لأزيدنكم ولئن كفرتم إن عذابي لشديد (إبراهيم : 7)	الشكر	✓
قال الله تعالى : وما أنفقتم من شيء فهو يخلفه وهو خير المرزقين (سبا : 39)	الإِنفاق	✓
قال الله تعالى: وأتخذوا الأيادي منكم والضالحين من عبادكم وإمائكم إن يكونوا فقراء يغفهم الله من فضله والله واسع عليم (النور : 32)	النكاح	✓
قال صلى الله عليه وسلم : لو أنكم توكلتهم على الله حق توكله لرزقكم كما يرزق الطير . تغدو خماسا . وتروح بطنانا . (رواه الترمذي)	التوكل	✓
قال صلى الله عليه وسلم : من سره أن يبسط له في رزقه ، أو ينسأ له في أثره ، فليصل رحمه . (رواه البخاري)	صلة الرحم	✓
قال صلى الله عليه وسلم : تابعا بين الحج والعمرة فإنهما ينفيان الفقر والذنوب كما ينفي الكبر خبث الحديد والذهب والفضة . (رواه الترمذي)	الحج والعمرة	✓
قال صلى الله عليه وسلم : هل تنصرون وترزقون إلا بضعفائكم . (رواه البخاري)	الإحسان إلى الضعفاء	✓

3590. Ризқнинг калитлари:

1. Иймон:

«Агар ўша жойнинг аҳли иймон келтириб, тақводор бўлганида, Биз уларга осмону ердан баракот (дарвозаларини) очиб қўйган бўлур эдик. Лекин улар (пайгамбаримизни) ёлғончи қилдилар. Шунинг учун уларни қилган гуноҳлари сабабли ушладик» (*Аъроф сураси, 96-оят*).

2. Тақво:

«Ким Аллоҳга тақво қилса, У Зот унинг йўлини очиб қўяди ва унга ўзи ўйламаган тарафдан ризқ берур» (*Талоқ сураси, 2-3-оятлар*)

3. Истиффор:

«Мен: «Роббингиздан мағфират сўранглар, У Зот Ғофурдир, устингизга осмондан ёмғир ёғдирур» дедим» (*Нух сураси, 10-12-оятлар*)

4. Шукр:

«Роббингиз сизга: «Шукр қилсангиз, зиёда қилурман. Куфр келтирсангиз, азобим шиддатлидир» деб билдирганини эсланг» (*Иброҳим сураси, 7-оят*).

5. Инфоқ ва эҳсон:

«Айт: «Роббим қайси бандасини хоҳласа, ўшанга ризқни кенг қилур ёки тор қилур. Ҳар бир инфоқ қилган нарсангизнинг ўрнини тўлдирур. У Зот ризқ бергувчиларнинг яхшисидир» (*Сабаъ сураси, 39-оят*)

Изоҳ: Аллоҳ таоло хоҳлаган бандасининг ризқини кенг, хоҳлаган бандасининг ризқини тор қилиб қўяди. Банда Аллоҳ таоло ато этган ризқдан Аллоҳ йўлида инфоқ қилса, фойда кўради.

6. Никоҳ:

«Ораларингиздаги никоҳсизларни ва қулу чўрилариингиздан солиҳларини никоҳлаб қўйинг. Агар фақир бўлсалар, Аллоҳ уларни Ўз фазлидан бой қилур. Аллоҳ (фазли) кенг, билгувчи Зотдир» (*Нур сураси, 32-оят*).

7. Таваккул:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳга ҳақиқий таваккул қилсангиз, У Зот қушни ризқлантирганидек, сизларни ҳам ризқлантириб қўяр эди. Қушлар қорни оч кетиб, қорни тўқ қайтади»**, деганлар.

Имом Термизий ривояти.

8. Силаи раҳм:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким ризқи кенг ёки умри узоқ бўлишини истаса, силаи раҳм қилсин»**, деганлар.

Имом Бухорий ривояти.

9. Ҳаж ва умра:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳаж билан умрани бир-бирига эргаштиринглар. Босқон темир, олтин ва кумушдаги кирни кетказганидек, ҳаж ва умра камбағаллик ва гуноҳларни кетказади»**, деганлар.

Имом Термизий ривояти.

10. Муҳтожларга хайр-эҳсон қилиш:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сизларга заифларингиз сабабли нусрат ва ризқ берилади»** деганлар.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال تعالى :

« أَيْمَسْكَه عَلَى هُونٍ » ... الآية . [النحل:59]

لا تَهَانُ الْمَرْأَةُ إِلَّا فِي بَيْتِ فِيهِ جَاهِلِيَةٌ !! ..

3591. «Бирортасига қиз деб хушxabар берилса, ғамга тўлиб, юзи қорайиб кетади, унга берилган хушxabарнинг ёмонлигидан (уялиб) қавмидан беркинади. «Уни хорлик-ла олиб қолсамикин ёки тупроққа кўмсамикин?» Огоҳ бўлинг! Улар қилган ҳукм нақадар ёмон!» (Наҳл сураси, 58-59-оятлар).

Аёл киши жаҳолат ҳукм сурган хонадондагина хорланади.



3592. Шайтон жоҳилни эмас, олимни адаштиришга кўпроқ қизикади, чунки олим йўлдан озса, бошқаларни ҳам адаштиради. Жоҳил эса ундай эмас.

*Шайтоннинг афъоли кўпхарждан йироқ -
Бузмоққа интилмас жоҳил оммани,
Ва лекин интилар олимга кўпроқ,
Олим билан бузса бўлар ҳаммани!*



3593. Фарз намоз билан таҳажжуднинг орасида қандай фарқ борлигини биласизми?

– Фарз намозга инсон (азон айтиб) чақиради. Таҳажжудга эса инсониятнинг Робби чақиради.


– Фарз намознинг азонини ҳамма эшитади. Таҳажжудга чақирикни эса баъзилар эшитади, холос.

– Фарз намозни кўпчилик ўқийди. Таҳажжудни хослар ўқийди.

– Фарз намозга «Намозга келинглар!» деб чақирилади. Таҳажжудга эа «Сўровчи борми, сўраганини бераман» деб чақирилади.

Аллоҳим! Таҳажжудни бизлар учун севикли қилгин, уни қалбларимизга оромбахш қилгин!

Изоҳ: Албатта, фарз намози ҳар қандай намоздан устундир. Аммо бу ерда таҳажжуд намозини ўқишга ана шундай гўзал тарғиб қилинган.



3594.

Амалсиз сўзда яхшилик йўқ.

Таквосиз фикрда ҳам яхшилик йўқ.

Ниятсиз садақада ҳам яхшилик йўқ.

Саховатсиз мол-дунёда ҳам яхшилик йўқ.

Вафосиз дўстликда ҳам яхшилик йўқ.
Динсиз ҳаётда ҳам яхшилик йўқ.



3595. Башарият қонунида «Ишонч бир марта синса, қайта тикланмайди», дейилган.
Аллоҳнинг қонунида: «Гуноҳдан тавба қилган одам бегуноҳ киши кабидир», дейилган.
Роббим! Сени поклаб ёд этаман, нақадар раҳмлисан!


التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال أب لابنه : انتبه أين تضع قدميك
وأنت تمشي فأجابه ابنه : إحذر أنت
يا أبي فأنا أتبع خطواتك ..
أصلح حالك يتبعك أبنائك ..

3596. Ота ўғлига: «Юрганингда кадамингни ўйлаб босгин», деди. Ўғли: «Отажон, аввало сиз эҳтиёт бўлинг, чунки мен сизнинг изингиздан боряпман» деди.
Сиз ўзингизни ислох қилинг, чунки фарзандингиз барибири сизга эргашади.



3597. Осмонда юлдуз бўлишдан олдин уйингда чироқ бўл. Зеро Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларнинг яхшиларингиз – аҳли аёлига яхшиларингиздир», деганлар.



3598. Ҳар куни кирадиган фейсбукинг ҳақида ўзингни бир сарҳисоб қилиб қўй. Унга қандай ниятда кирапсан-у, қандай фойда оляпсан? Фейсбукка асир бўлиб қолма!



3599. Ибн Ражаб роҳимахуллоҳ шундай дебдилар: «Ким яхши амалга ожиз бўлиб, уни қила олмаганидан афсусланса, аммо буни орзу қилса, ўша ишни қилган одам билан савобга шерик бўлади».



الإمام الشعراوي

ظلم النفس أشقى أنواع الظلم،
فمن المعقول أن يظلم الإنسان غيره،
أما إن ظلم نفسه فليس معقولاً!
فالذي يترك الصلاة ويتكاسل.. نقول له:
أنت ظلمت نفسك؛ لأنك ظننت أنك تحقق لنفسك
متعة بينما أورتها شقاءً أعنف وأبقى .

3600. Имом Шаъровий шундай дедилар: «Ўзига зулм қилиш зулмларнинг энг бахтиқаросидир. Бировга зулм қилишни тушунса бўлар, лекин ўзига зулм қилишга ақл бовар қилмайди. Намоз ўқимайдиган ёки уни ўқишга эринадиганларга «Ўзингга ўзинг зулм қилдинг», дейиш мумкин. Чунки у намоз ўқимай, гўё маза қилдим деб ўйлайди. Аслида абадий бадбахт бўлиб қолганидан хабари йўқ».


التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

ليس شرط الرضا أن لا تتأثر وتتألم من البلاء، بل
المطلوب عدم الاعتراض والتسخط من القدر،
كرضا المريض بشرب الدواء المرّ، لعلمه أن عاقبته
خير له

3601. Тақдирга рози бўлишнинг шарти бало-офат келганда ундан таъсирланмаслик ёки бунинг машаққатига чидаш эмас. Тақдирга розиликнинг шарти ундан ғазабланмаслик, эътироз билдирмасликдир. Бу худди бемор одам оқибати яхши бўлишини билгани учун аччиқ дорини ичишга рози бўлганига ўхшайди.




3602. Бир инсонга ака-укалари, аҳли аёли ва дўстларига нисбатан соғлом қалб, соф виждон ато қилинган бўлса, унга жаннат неъматларидан ато қилинибди. Ҳеч нарса қалбни латиф ибора, табассум, мулойим сўз, яхши ният, мусаффо қалб ва камчиликлардан кўз юмиш каби фазилатларчалик эрита олмайди.

«Кўнгилларидан (жаннатда бир-бирларига нисбатан) ғиллу-ғашликларни тортиб олурмиз» (Аъроф сураси, 43 оят)



3603. Ишонч – ижобат кечикса ҳам дуода бардавом бўлишдир.



3604. Самолётни ким бошқараётганини билмасанг ҳам хотиржам учиб кетаверасан, тўғрими? Ундай бўлса, ҳаётингни Аллоҳ бошқараётганини билиб туриб, нега безовта бўласан? Яхшиси ҳамма нарсани Аллоҳга топшир-да, Ўзига таваккул қил!



3605. Кимнинг қалбидан Аллоҳ жой олса, дунё ва охиратда Аллоҳ унинг ёрдамчисидир. Кимнинг қалбидан Аллоҳдан бошқалар жой олса, Аллоҳ икки дунёда унинг хусуматчисидир.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

(تراهم ركعاً سجداً يبتغون فضلاً من الله
ورضواناً)
إذا أحببت أن تنال فضل الله في العاجلة
والآجلة فعليك بالركوع والسجود

3606. «Уларнинг Аллоҳдан фазл ва розилик тилаб, рукуъ ва сажда қилишларини кўурсан» (Фатҳ сураси, 29-оят)

Дунё ва охиратда Аллоҳнинг фазлу карамига мушарраф бўлишни истасанг, рукуъ ва саждани, яъни намозни кўпайтир.



3607. Бўрилар ўзини итга ўхшатиб кўрсатгани каби, одамларни ўзига ром қилувчи кимсалар сўзамоллик билан дўст бўлиб кўринишади.



3608. Гуноҳларинг кўпайиб, осийлигинг жадаллашиб кетса ҳам намозни тарк қилма! Худди эртага вафот қиладигандек намоз ўқийвер. Ўзинг билан Аллоҳ орасидаги бирдан-бир тавба эшигини ёпиб олма. Эҳтимол, ҳидоят, раҳмат ва хотиржамлик саждада турган пайтингда юборилар?

أنت لا تكون وحيداً أبداً ،
حين تملك كتاباً

3609. Қўлингда китоб бўлса, ўзингни ҳеч қачон танҳо ҳис қилмайсан.

قال الإمام الغزالي
النفس إذا لم تُمنع
بعض المباحات ،
طمعت في المحظورات

3610. Имом Ғаззолий шундай дебдилар: «Нафсни баъзи мубоҳ нарсалардан қантариб турмаса, тақиқланган ҳаром нарсаларни истаб қолади».

التغريدة




د أحمد عيسى المعصراوي

كان أحد الصالحين يمر على المقابر ويقول:
يا أهل المقابر، أصبحتم نادمين على ما خلفتم
وأصبحنا نقتتل على ما أصبحتم عليه نادمين
فما أعجبنا وإياكم

3611. Бир солих зот қабрлар олдидан ўтаётиб, шундай дебди: «Эй қабр аҳли, сизлар бу дунёда қолган мол-мулкнинг хусусида пушаймон бўлиб ётибсиз, биз эса ўша сизларни пушаймон қилган нарсаларни қўлга киритиш учун курашиб ётибмиз!».



3612. Айтилиши нақадар енгил, аммо савоби нақадар улкан зикр: «Астағфируллоҳалъазийм ва атуубу илайҳ!» (Буюк Аллоҳдан мағфират сўрайман ва Унга тавба қиламан).



3613. Фарзандингизга бир ҳафта давомида пулини нималарга сарфлангани ёзиб боришни ўргатсангиз, унинг келажакдаги молиявий бюджетини шакллантиришга ёрдам берган бўласиз («Молиявий тарбия» туркумидан)



3614. Инсон икки нарсa сабабли ўзгаради: ўзи хоҳлаганидан кўпроқ нарсa ўрганганда ёки керагидан ортиқ озор етганда.

قال رجلاً للإمام الحسن البصري
**يا أبا سعيد أشكو
إليك قسوة قلبي
قال أدبه بالذكر
اللهم اجعلنا من الذاكرين الله كثيرا**

3615. Бир киши Ҳасан Басрийга: «Эй Абу Саъид! Сизга бағритошлиқдан шикоят қилмоқчиман», деди. У зот: «Бағритошлиқни зикр билан эритгин», дедилар. Аллоҳим! Бизларни Аллоҳни кўп зикр қилувчилардан қил!

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي


"إن الشيطان لكم عدو".
لا تحزن
فالمعركة كره وفر
والأيام دول... ويوم لك ويوم عليك
وكل ما احتله الشيطان بالذنب
تستعيده بالتوبة

3616. «Шайтон сизларга душмандир» (Фотир сураси, 6-оят)

Ўқинма, кураш ҳужум ва чекинишдан иборатдир. Кунлар ҳам галма-гал, навбати билан ўзгариб туради. Бир кун фойдангга ҳал бўлса, бир кун зарарингга ҳал бўлади. Бир сафар шайтон сени гуноҳ билан эгаллаб олса, бир сафар сен ҳам уни тавба билан эгаллаб оласан.




3617. Хиёнатнинг энг ёмони душман эмас, яқинларингнинг хиёнатидир.



3618. «Аллоҳни зикр қилсанг, Аллоҳ ҳам сени зикр қилиб, муҳофаза қилади», деган сўзнинг маъносини идрок қилиш учун кундалик зикрларингда бардавом бўл.



3619. Нима учун хўроз субҳидамда йиғи оҳангида қичкириб, тонг оттиришини биласизми? У «Умрингнинг бир куни ўтди, сен бўлса буни ҳис қилмаяпсан», демоқчи бўлади.



3620. Бағритошлик идрок ва соғлом фикрга таъсир ўтказиб, ақлни фалаж қилиб қўяди.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال أبو حاتم رحمه الله :
من أُوتِيَ من الدنيا أشياء ثلاثة فقد أُوتِيَ الدنيا
بحذافيرها :
الأمْنُ، والقوْتُ، والصحة .

3621. Абу Ҳотам роҳимахуллоҳ шундай дебдилар: «Кимга бу дунёда уч нарса ато қилинган бўлса, унга дунё тўлалигича, мукамал қилиб берилибди: тинчлик, ризқ ва соғлиқ».

من أقوال السلف :
من كثرت ذنوبه فعليه بسقيا الماء
فقد غفر الله ذنوب من سقى الكلب
فكيف بمن سقى مؤمنا ..

3622. Солиҳ салафларнинг сўзларидан:

Кимнинг гуноҳи кўпайиб кетган бўлса, сув улашсин. Итни сув билан сийлаган кишининг гуноҳларини кечириб юборган Аллоҳ қандай қилиб мўминни сув билан сийлаган кишининг гуноҳини кечирмасин?



كل زمن أشر ممن قبله

قال رسول الله ﷺ

لا يأتي عليكم زمان إلا والذي بعده

أشْر منه

حتى تلقوا ربكم

رواه البخاري

katrat.ihsan katratihsan

الدال على الخير كفاعله

3623. Зубайр ибн Адийдан ривоят қилинади:

«Анас ибн Моликка бориб, Ҳажжождан зулм кўрганимизни айтиб, шикоят қилдик. Шунда у: «Сабр қилинглр. Бундан буён то Роббингизга йўлиққунингизча бирор замон келмайдики, кейингиси ундан ёмонроқ бўлмаса.

Мен буни Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганман», деди».

Имом Бухорий ривояти.



3624. Фойдасиз нарсага овора бўлганлар фойдали нарсадан маҳрум қилинади.



3625. Дунё поезднинг ўриндиқларига ўхшайди. Кимдир унга чиқиб олади, кимдир тушиб қолади.

Шайх Али Тантовий.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

﴿فإن لم يصبها وابل فطل﴾
 إن فاتك كثير الخير فلا تزهد بقليله
 ففي القبور من يود لو يثقل ميزانه
 بركة أو تسيحة أو استغفار
 وما لا يدرك كله لا يترك كله

3626. «Молларини Аллоҳ розилиги учун, ишонч билан сарфлайдиганлар худди тепаликдаги бокқа ўшарлар. Унга қаттиқ ёмғир ёғса, икки баробар мева беради. Агар қаттиқ ёмғир ёғмаса, майдалаб ёққани ҳам бўлаверади. Аллоҳ қилаётганларингизни кўриб турувчи Зотдир» (Бақара сураси, 265-оят).

Кўп яхшилик қила олмасанг, озини ҳам тортинмай қилавер. Чунки Аллоҳ «майдалаб ёққани ҳам бўлаверади» демоқда. Қабрларда не-не одамлар ётибдики, савоб тарозусини биргина рақъат намоз, биттагина тасбеҳ ёки биргина истиффор билан оғир қила олмай армонда.

Биттасини қила олмадим деб, ҳаммасини ташлаб қўйилмайди.



3627. Бир солиҳ зот шундай деган экан: «Мункарни инкор қилишдан, яъни бемаъни ва кабиҳ нарсани йўқ қилишдан қўрқмаслик иймон қувватининг аломатидир».

إذا أصابك الكسل فادعُ بهذا الدعاء : لا إله
إلا الله وحده لا شريك له، له الملك وله الحمد
وهو على كل شيء قدير

مشاري راشد العفاسي

3628. Дангасаликка дучор бўлсанг, ушбу дуони ўқигин!

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ким бир кунда юз марта «Лаа илааҳа иллalloҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъалаа кулли шай`ин қодийр» деса, ўнта кул озод қилганга тенг бўлади. Унга юзта ҳасанот ёзилиб, юзта ёмонлиги ўчирилади, кеч киргунича шайтондан омонда бўлади. Шу калимани ундан кўп айтган одамдан бошқа ҳеч ким бундан афзалроқ амал қила олмайди».

Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.

Изоҳ: Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам мана шу дуони ўқиган одамнинг шайтондан омонда бўлишини айтганлар, чунки инсон шайтон туфайли дангаса бўлади.



3629. Тунги уйқу билан кундузги уйқунинг орасида жуда катта фарқ бор. Тунги уйқуда тана аъзолари кундузги уйқуга нисбатан икки баравар роҳат олади.

خوف السلف من فتنَةِ النساء

ذكر الإمام الذهبي أيضا: "عن سفيان بن عيينة
عن علي بن زيد، عن سعيد بن المسيّب، قال :
**ما أيسس الشيطان من شيء
إلا أتاه من قبل النساء .**

ثم قال لنا سعيد . وهو ابن أربع وثمانين سنة
وقد ذهبت إحدى عينيه وهو يعيش بالأخرى :
**ما شيء أخوف عندي من
النساء ."**

المصدر سير أعلام النبلاء (4/237)

3630. Солиҳ салафлар аёл фитнаси ҳақида

Имом Заҳабий Суфён ибн Уяйнадан, у Али ибн Зиёддан, у эса Саъид ибн Мусаййибдан ривоят қилади: «Шайтон ҳеч қайси томондан адаштира олмаса, аёллар томонидан келади».

84 ёшга кирган, бир кўзи ожиз Саъид: «Мени аёллардан кўра кўрқитадиган нарса йўқ», дер эди.

«Сияру аъламун нубало» китобидан олинди.

Изоҳ: Бу ерда гуноҳга чакирувчи, фитнага сабаб бўлувчи аёллар назарда тутилган. Ифбатли ва солиҳа аёллар булар сирасига кирмайди.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال النبي ﷺ

"من أتى فراشه وهو ينوي أن يقوم يصلي من
الليل فغلبته عيناه حتى أصبح كتب له ما نوى
وكان نومه صدقةً عليه من ربه عز وجل"

النسائي

3631. Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ким ётишдан олдин таҳажжудга туришни ният қилса-ю, лекин уйқу ғолиб келиб, тонг отгунича ухлаб қолса, қилган ният учун ҳам савоб берилади, уйқуси эса Роббидан садақа бўлади».

Имом Насаий ривояти.



3632. Ужб – ўзидан мамнунлик, ўзини бошқалардан ортиқ кўришдир. Ужбдан сақланинг, чунки иблис ўзини бошқалардан ортиқ кўргани учун ҳалок бўлди.

«Иблис деди: «Мен ундан яхшиман. Мени оловдан яратгансан, уни эса лойдан яратдинг» (Сод сураси, 76-оят).

Одам эса гуноҳига иқроф бўлгани учун афзал бўлди:

«Роббимиз, биз ўзимизга зулм қилиб қўйдик. Ўзинг бизни мағфират қилмасанг, бизга раҳм қилмасанг, зиёнда қоламиз!» (Аъроф сураси, 23-оят)


Сен ҳам ўзингни бошқалардан устун тутишдан сақлан, чунки бу ҳалокатнинг асосидир. Гуноҳларингни эътироф қил, чунки Аллоҳнинг ҳақида барибир нуқсондасан.

Аллоҳим, тоатингда ёрдам бер!



3633. Имом Шофеевий шундай дебдилар: «Бор кучингни ишлатиб ҳаракат қилсанг ҳам, ҳаммани рози қилиб бўлмайди. Шундай экан, ният ва амалингни Аллоҳ таоло учун холис қил».

Аллоҳим! Сўзда ҳам, амалда ҳам ихлос ато қил!



3634. Молик ибн Динор шундай деган эканлар: «Итга тилла ёки кумуш ташласанг, қараб ҳам қўймайди. Лекин суяк ташласанг, унга ўзини уради. Орангиздаги бефаҳмлар ҳам ана шундай, ҳақни билишмайди, лекин ботилга ўзини уради».



3635. Қувватинг заифлашиб, кучинг озайиб кетса, «Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллааҳил ʼалийийил ʼазийм» (Олий ва улуг Аллоҳдан бошқада куч ҳам, қувват ҳам йўқ) деб кўп айтгин.

التغريدة




د أحمد عيسى المعصراوي

قال تعالى
 (وَكُلُّهُمْ آتِيهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَرْدًا)
 فلنستعد بالطاعات والذكر ليوم سنأتي فيه إلى
 الله تعالى بلا أهل ولا مال ولا ولد.

3636. «Барчалари Қиёмат куни У Зотнинг ҳузурига ёлғиз ҳолда келишади» (Марям сураси, 95-оят)


Аллоҳнинг ҳузурига аҳли-аёлсиз, мол-дунёсиз ва бола-чақасиз, ёлғиз ўзимиз келадиган Кун учун тоат-ибодат ва зикрлар билан тайёргарлик кўрайлик.



3637. Аллоҳ таоло Юсуф алайҳиссаломнинг ишларини Ўз зиммасига олгани учун саҳрода карвонни сувга муҳтож қилиб, у зотни қудукдан қутқарди. Сўнгра у зотни фарзанд қилиб боқиб олиши учун Миср вазирини фарзандга муҳтож қилиб қўйди. Сўнгра у зотни камоқдан озод қилиш учун подшоҳни тушлар таъбирига муҳтож қилиб қўйди. Сўнгра у зотни вазир қилиш учун Миср халқини овқатга муҳтож қилиб қўйди.

Аллоҳ ишингни Ўз зиммасига олдим, демак, ўзинг билмаганинг ҳолда У Зот бахт-саодатнинг барча сабабларини сен учун муҳайё қилиб қўяди.


«Ишимни Аллоҳнинг Ўзига топширдим» (Ғофир сураси, 44-оят)



3638. Бир куни имом Аҳмад роҳимахуллоҳ бетоб бўлиб, тўшакка миҳланиб қолдилар. Дўстлари имом Шофеъий роҳимахуллоҳ у зотни зиёрат қилгани бордилар. Қарасалар, имомнинг касали ниҳоятда оғир. Буни кўриб, қаттиқ қайғудан ўзлари ҳам касал бўлиб қолдилар. Бундан хабар топган имом Аҳмад чидаб тура олмай, имом Шофеъийни кўришга бордилар. Имом Шофеъий у зотни кўриб, шундай дедилар:

«Дўст бемор бўлгач, уни зиёрат қилдим,
 Унга афсусланиб, ўзим ҳам касал бўлдим,
 Дўст ҳам шифо топиб, мени зиёрат қилди,
 Уни кўргач, мен ҳам тузалиб қолдим».

Аллоҳим! Бизларга ҳам ана шундай солиҳ дўст насиб қилгин!



3639. «Кемага минишгач, уни тешиб қўйди» (Каҳф сураси, 71-оят)

Хизр алайҳиссаломнинг кемани тешиб қўйганлари Мусо алайҳиссалом чиққан кема учун нажот бўлган эди.

Аллоҳ кўпинча бизга ёқмайдиган йўлга тушириб ҳам раҳм кўрсатади.

«الْخِلاَفُ الطَّوِيلُ يُعْنِي :
أَنْ كِلَا الطَّرْفَيْنِ عَلَى خَطِّ !»

فولتير

3640. Узок давом этган низо икки тараф ҳам хато эканини англатади.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال أحد السلف :

المتواضع في طلاب العلم أكثرهم علما ، كما أن
المكان المنخفض أكثر البقاع ماء .

الجامع للخطيب 1 / 300 .


3641. Солиҳ салафлардан бири шундай дебдилар: «Паст ва чуқур жойда сув тўпланганидек, тавозели талаба ҳам энг кўп илм тўплайди».



3642. Қуръондан қанча ёд олганингни одамларга билдирмай қўявер. Яхшиси улар сендаги Қуръонни ўзлари кўришсин: оч қолганга таом, яланғочга кийим бер, етимга шафқат қил, ёмонлик қилганни кечир, онангга яхшилик қил, ҳаммага табассум қил. Қуръондан қанча ёд олганинг муҳим эмас, Қуръон сенинг қаерингга етиб боргани муҳим, яъни Қуръонга қай даражада амал қилишинг ибрат олишга арзийди.



3643. Ҳофиз ибн Ҳиббон шундай деган эканлар: «Ўзидан қуйидагиларга зулм қилиб, улардан ўзини баланд тутган киши борки, Аллоҳ уни ўзидан юқоридагиларнинг қўли билан хорлаш орқали балолаб қўйганини доим кўрдим».



3644. Бундан 1400 йил муқаддам Ислом бир инсон, яъни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам орқали тарқалди. Бугунги кунга келиб, дунёдаги мусулмонлар сони бир ярим миллиарддан ошиб кетди. Бу диннинг ҳайрон қолдирадиган даражада тарқалишининг сири нима экан?!

Бугунги кунда дунёдаги мусулмонлар сони ҳақида халқаро статистика нима демоқда?

Ҳисоб-китобларга қараганда, Ислом дини бошқа динларга қараганда энг кўп ёйилиб, 2025 йилга келиб тарқалиш бўйича етакчи ўринни эгаллайди.


Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бу иш, яъни Ислом кеча ва кундуз етадиган жойгача албатта етиб боражак»**, деганлар (*Ибн Ҳиббон ривояти*).

Кеча ва кундузи етиб борадиган жойгача – курраи заминнинг ҳар бир минтақасига деганларидир. Ушбу ваъда ҳақиқатда тасдиғини топди. Ҳозирги кунда дунёнинг барча минтақаларида мусулмонлар бор. Шунинг учун Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу ҳадислари ҳам илмий мўъжиза экани намоён бўлмоқда.



3645. Бир киши бомдод намозини ўтказиб юбориб, қайғуга ботди. Уйидагилар унинг ҳолатини кўриб, сабабини сўрашган эди, «Мен бугун бомдодни ўтказиб юбориб, Аллоҳнинг кафиллигидан маҳрум бўлдим», деди.

Қанчадан-қанча одамлар борки, бомдодни ўқимаса ҳам ўзини гуноҳкор ҳис қилмайди. Ваҳоланки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бомдод намозини ўқиса, Аллоҳнинг кафиллигидадир», деганлар.




3646. Ишга бориш учун уйғонишади, «Мен ана шунақа хушёрман, ишимга содиқман, диққат-эътиборлиман», дейишади. Лекин бомдод намозига келганда «Уйкум жуда қаттиқда», дейишади.

«Лекин сизлар дунё ҳаётини устун қўясиз. Ҳолбуки, охират яхшироқ ва боқийроқдир» (Аъла сураси, 17-оят)



3647. Одамлар илмга муҳтож. Илм эса амалга муҳтож. Амал эса ақлга муҳтож. Ақл эса тавфиққа муҳтождир.



3648. «У эса манфаатидан қўра зарари қўпроқ бўлганларга илтижо қилади. Нақадар ёмон хожа, нақадар ёмон дўст!» (Ҳаж сураси, 13-оят).

Қалбимиз Аллоҳдан бошқа бирор кимсага бир лаҳза боғлиқ бўлиб қолса, бунинг зарарини ҳаётимизда албатта кўраимиз.

Аллоҳим, Ўзингдан бошқага муҳтож қилма!



3649. Қуръони Каримни ҳар куни ўқишга одатлансанг, жуда кўп манфаатларга гувоҳ бўласан. Масалан:

1. Қалбинг хотиржам бўлади;
- «Билингни, қалблар Аллоҳнинг зикри ила ором олур» (Раъд сураси, 28-оят).
2. Ҳаётингда қийин аҳволга тушиб қолмайсан;
- «Мендан сизларга ҳидоят келганида ким ҳидоятимга эргашса, адашмас ва бадбахт бўлмас» (Тоҳа сураси, 123-оят).
3. Вақт ўтиши билан диндаги илминг кўпаяди.
4. Кундалик вазифанг аста-секин кўпайишини ҳис қиласан.



الذكر هو باب الله الأعظم المفتوح بينه
وبين عبده ما لم يغلقه العبد بغفلته .

3650. Зикр – Аллоҳ таоло билан банда ўртасидаги очиқ дарвозалардан биридир, модомики банда уни ғафлат билан ёпиб қўймаса.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

بر الوالدين هو الاختبار الرباني والمقياس
الديني لحسن وفائك .
فإن لم تكن قادرا على بر من حملتك وبر من
رباك .
فلن تكون قادرا على طاعة من خلقك..!

3651. Ота-онага яхшилиқ қилиш – қанчалиқ вафодор эканингни билиш учун раббоний имтиҳон ва дунёвий мезондир. Ҳомиладорлигида сени кўтариб юрган онангга, сенга вояга етказган отангга яхшилиқ қилишга қодир бўлмасанг, демак, Холиқингга тоат-ибодат қилишга ҳам қодир эмас экансан!



"الشیطان يعدكم الفقر"
يخوفنا بفقر المال..فقر الفرص
فقر الفرح والسعادة..فقر الفرج
لا تصدقوه
الحياة غنية بفضل الله

3652. «Шайтон сизларга камбағалликни ваъда қилади» (Бақара сураси, 268-оят)
Шайтон бизни «Мол-дунёнинг камайиб қолади, фурсат етмай қолади, ҳаётингда хурсандчилик, бахт-саодат бўлмайди» деб қўрқитади.
Ҳаёт эса Аллоҳнинг фазлу баракоти билан тўлиб-тошиб ётибди.



3653. Уч хил тижоратчилар ҳеч қачон касод бўлмайди:

1. «Аллоҳнинг Китобини тиловат қиладиган»;

2. «Намозни тўқис адо этадиган»;

3. «Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошқора инфоқ-эхсон қиладиган зотлар ҳаргиз касод бўлмайдиган олди-сотдидан умидвордир» (Фотир сураси, 29-оят).


تزداد الأعمار وتشيب الأجساد ولا تشيب المشاعر
هذه هي المودة والرحمة التي تحدث عنها القرآن



3654. «У Зот сокин бўлишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва орангизда ошнолик, меҳр-муҳаббат ва марҳаматни пайдо қилиши ҳам У Зотнинг

мўъжизаларидандир. Албатта, бунда тафаккур қиладиганлар учун оят-ибратлар бор» (Рум сураси, 21-оят).

Суратга қаранг. Улар қариб, сочларига оқ тушиб, мўйсафид бўлиб қолса ҳам, хис-туйғулари қаримаган. Қуръонда зикр қилинган (шайтоний ишқнинг акси бўлган) меҳр-муҳаббат айни мана шудир.



3655. «Жуда кўрқиб кетганимдан, хотинимнинг олдига югуриб келдим», дейдиган одамни учратиш қийин. Бироқ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламда шундай ҳолат бўлган. У зотнинг ҳузурларига Жаброил алайҳиссалом ваҳий олиб келган. Шунда у зот қаттиқ кўрқиб кетганларидан Хадижа онамизнинг ҳузурларига шошиб борганлар. Чунки Хадижа розияллоҳу анҳо буюк аёллардан бири эди.

Америкалик машҳур сиёсатчи ва тадбиркор доктор Гари Миллер илгари насроний миссионер бўлган. Лекин Қуръони Каримни ўргангач, мусулмон бўлган, исмини ҳам Абдулаҳад Умар деб ўзгартирган.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي


"إياك نعبد وإياك نستعين"
عهد مهيب، تُعاهد به ربك في كل ركعة، أن لا
تعبد سواه.
فهل يليق بقلبك بعدها أن يلتفت إلي غيره !!
تأملات قرآنية

3656. «Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина ёрдам сўраймиз» (Фотиҳа сураси, 5-оят)

Буюк ахднома!

Сен ҳар куни Роббинг билан У Зотдан бошқага ибодат қилмасликка ахдлашасан.

Шундай ахдлашувдан кейин ҳам Аллоҳдан бошқасига қалбингни боғлашинг дуруст бўладими?



3657. Нафл ибодатларга дангасалик қилиб қолсам, дарров фарзандларимни, дунё мусибатларини ўйлаб, Аллоҳ таолонинг «Уларнинг отаси солиҳ одам эди» деган оятини эслаيمان (Каҳф сураси, 82-оят). Сўнг фарзандларимга ачинганимдан, нафл ибодатларга киришаман. Энг муваффақиятли тадбир – фарзандлар учун қилинган тадбирдир.


Изоҳ: Каҳф сурасида Мусо алайҳиссалом билан Хизр тиклаган девор остидаги хазина бир тақводор, солиҳ кишининг икки фарзандига тегишли экани айтилган. Оламдан ўтиб кетган солиҳ ота сабабли ўша хазинанинг меросхўрлар қўлига талофатсиз етиб бориши таъминланади. Демак, солиҳ ва ибодатли бўлсак, биздан кейин қолган фарзандларимиз ҳаётда қийналмас экан.



3658. Маймун ибн Михрон роҳимахуллоҳ шундай дебдилар: «Шундоқ ҳам амалларингиз кам. Энди ўша озгина амални ҳам (риё аралаштирмай) холис қилинглар-да!»



3659. Робеъ ибн Хайсама тиланчиларга синган буюм ёки йиртиқ кийим бермасдилар, «Аллоҳ учун берган молим номаи аъмолимда арзимас нарса экан деб ёзилса, Аллоҳдан уяламан», дер эдилар.



3660. Кўркмай уриниб кўраверинг. Мутахасис эмасман деманг. Нуҳ алайҳиссалом кemasоз мутахассис эмас эдилар. Лекин «Титаник»ни ясаганлар мутахассис эди.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال الفضيل بن عياض: "حَامِلُ الْقُرْآنِ
حَامِلُ رَايَةِ الْإِسْلَامِ، لَا يَنْبَغِي أَنْ يَلْهُوَ مَعَ
مَنْ يَلْهُو، وَلَا يَلْغُو مَعَ مَنْ يَلْغُو، وَلَا يَسْهُو
مَعَ مَنْ يَسْهُو، تَعْظِيمًا لِحَقِّ الْقُرْآنِ". :

"التذكرة في الوعظ"

3661. Фузайл ибн Иёз шундай дебдилар: «Қуръонни ёдлаган муруттаб қорилар Ислом байроғини кўтарган зотлардир. Улар Қуръоннинг ҳурматидан кўнгилхушлик қилувчилар билан бирга вақтини зое қилмайди, бефойда сўз айтувчилар билан гаплашиб ўтирмайди, бепарво одамларга қўшилиб безътибор юрмайди».

Изоҳ: Муруттаб қорилар оддий одамлардек яшамай, ўзларига номуносиб ишлардан холи бўлган фазилатли йўлни танлайдилар.



3662. Бир сафар Америкада инглиз тилида маъруза қилиб, «Агар Билл Клинтоннинг мансабини, Онассиснинг бойлигини, Эйнштейннинг илмини қўлга киритган бўлсанг ҳам, ўғлинг ўзинг орзу қилгандек фарзанд бўлмаса, энг бахтсиз одамсан!» дедим.




3663. Билқиснинг тахти йўқ бўлди. Зулайҳонинг чиройидан асар ҳам қолмади. Қоруннинг мол-мулки ғарқ бўлди. Аммо Мусъабнинг зоҳидлиги, Умар ибн Хаттобнинг адолати ва Абу Бакрнинг тақвоси тилларда дoston бўлиб қолди. Жаннатда улар билан учрашишда ҳузур-ҳаловат бор.

Аллоҳим, жаннатда саҳобаи киромлар билан жам қилгин!



إذا كنت تريد أن تسير في الطريق الصحيح
لتطوير ذاتك فابدأ بعلاقتك بربك !!
فإن وجدت نفسك مقصراً فيها؛ أصلح الخلل ثم تقدم.

3664. Шахсиятингни ривожлантириш учун тўғри йўлда юришни хоҳласанг, Роббинг билан алоқадан бошла. Агар бу йўлда камчилик кўрсанг, уни тўғрилаб, кейин олға қадам бос.



3665. Ҳамма нарса сўраш, илтимос қилиш орқали келади. Фақат диққат-эътибор ундай эмас. Диққат-эътибор мажбурлаш орқали юзага келса, хушомадга айланиб қолади.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال تعالى:

(وهم يحسبون أنهم يحسنون صنعا)

الكهف 104

انتبه! لا تتحمس كثيرا لبعض أفعالك

3666. «Улар – бу дунё хаётидаёқ саъй-ҳаракатлари ботил бўлган, аммо ўзлари яхши иш қиляпман деб ҳисоблайдиганлардир» (Қаҳф сураси, 104-оят).
Огоҳ бўл! Қилган баъзи ишларингга ғурурланиб, ҳовлиқиб кетма!



3667. «(Мусо) уларга (молларини) суғориб бериб, сояга қайтди ва «Роббим, менга туширажагинг ҳар бир яхшиликка муҳтожман», деди» (Қасос сураси, 24-оят).
Бир кишига яхшилик қилсанг, ундан узоқда тур. Заифлиги туфайли қийин аҳволга солиб қўйма, сенга раҳмат айтишга мажбурлама. Кўз олдингда ҳаё қилиб туришини кўрмаслик учун ундан юзингни бур.

Изоҳ: Мусо алайҳиссалом узоқ йўлдан чарчаб, сояда дам олиб ўтирган эдилар. Қарасалар, одамлар талашиб-тортишиб молларини суғораётган экан. Икки қиз эса бегона эркакларнинг олдида боришга уялиб, бир четда турар эди. Уларни кўриб, ғоятда чарчаган, ҳориб-толган, очиккан бўлсалар ҳам, уларга ёрдам бердилар. Сўнг қайтиб бориб, яна соядан жой олдилар ва мазкур дуони килдилар.



3668. Суратда ишора қилинган кичик сайёра бўлмиш ердан туриб, Фиръавн: «Мен сизларнинг энг олий Роббингизман» деган эди (*Назиъат сураси, 24-оят*).



3669. Ҳар қандай илм амалсиз бўлса, ботилдир.
Ҳар қандай илм ва амал ниятсиз бўлса, тўзондир.
Ҳар қандай илм, амал ва ният суннатсиз бўлса, мардуддир.
Ҳар қандай илм, амал, ният ва суннат тақвосиз бўлса, йўқотишдир.



3670. Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар:

- Идишларнинг устини ёпинглар.
- Мешларни боғланглар.
- Эшикларни беркитинглар.
- Чирокларни ўчиринглар.

Чунки шайтон мешларни еча олмайди. Эшикларни оча олмайди. Идишларнинг устини оча олмайди. Хеч нарса топа олмасангиз, идишнинг устига бир чўпни кўндаланг кўйиб бўлса ҳам, Аллоҳнинг исмини зикр қилиб кўйинглар. Чунки сичқон уй аҳлининг устидан уйга ўт кўйиб юбориши мумкин».

Имом Термизий ва бошқалар ривояти.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي


الحديد أقوى المعادن فإذا لم يستعمل أكله
الصدأ حتى يفسده كذلك القلب إذا عطل
من حب الله والشوق إليه وذكره غلبه الجهل
حتى يميته ويهلكه

3671. Маъданларнинг энг кучлиси темирдир. Лекин темир ишлатилмаса, уни занг еб битиради. Қалб ҳам шундай. Агар кишининг қалби Аллохнинг мухаббатидан, шавқидан ва зикридан маҳрум бўлса, жоҳиллик ғолиб келиб, уни ўлдиреди ва ҳалок қилади.



3672. Тоат-ибодатга дангасалик қияпсанми? Эҳтиёт бўл, Аллоҳ ҳам ибодатингни ёқтирмай қолмасин!

«Лекин Аллоҳ уларнинг чиқишини истамай, уларни дангаса қилиб қўйди. Уларга: «(Аёллар, болалар ва ожиз-нотавонлар каби) ўтирувчилар билан ўтираверинглар», дейилди» (Тавба сураси, 46-оят).



3673. Бошқаларга яхшилик қилаётган пайтингда аслида ўзингга яхшилик қилётган бўласан!



3674. «Одамлар масжидлар билан фахрланмагунларича Қиёмат қоим бўлмайди». *Абу Довуд ривояти.*



3675. Имом Ҳоким ўзининг «Тарих» китобида Вакеъдан, у эса Суфёндан ривоят қилади: «Бир киши Аллоҳдан қўрқса, одамлар хоҳлайдими-йўқми, ўша тақводор кишидан кўркишади».

التغريدة




د أحمد عيسى المعصراوي

لا تكتبُ حزنك؛ فلن يشعُر به غيرُك ،
صُنّه عن طرقاتِ النَّاسِ، وأعينِ المارّةِ
وتذوّقِ مقامِ
{إِنَّمَا أَشْكُو بَثِّي وَحُزْنِي إِلَى اللَّهِ}

3676. Қайғуларингни қоғозга туширма, уни бошқаларга ҳам сездирма, ғам-ташвишларингни одамларнинг йўлидан ва йўлдан ўтувчилар кўзи тушишидан сақла!

Ушбу буюк мақомдан завқ ол:

«Ғам-ташвишларимдан Аллоҳгагина шикоят қиламан» (Юсуф сураси, 86-оят)



3677. «Сизга саломлар бўлсин! Хуш келдингиз! Абадий қолгувчи бўлган холингизда унга киринглар» (Зумар сураси, 73-оят).

Жаннат аҳлига илк лаҳзада айтиладиган сўзлар мана шудир.

Аллоҳим, бизларни мана шу сўзларни эшитадиганлар қаторидан қилгин!




3678. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Бир бандага Аллоҳдан бир мақом берилмоқчи бўлса, аммо у амали билан бу мақомга ета олмаса, Аллоҳ унинг жисмига, фарзандига ёки молига синов юборади. Банда бу синовга сабр қилса, ўша мақомга эришади».

Имом Аҳмад ва Абу Довуд ривояти.



قال ابن مسعود:
 "والله الذي لا إله غيره
 ما يضر عبداً
 يصبح على الإسلام
 ويمسي عليه
 ما أصابه في الدنيا"

3679. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу шундай дедилар: «Ўзидан бошқа илоҳ йўқ бўлган Аллоҳга қасамки, банда мусулмон ҳолида тонг оттириб, мусулмон ҳолида кеч киритса, бу дунёда дучор бўлган нарсалари унга асло зарар бермайди».



3680. Агар илм жидду-жаҳд қилмасдан, орзунинг ўзи билан эришиладиган нарса бўлганида, дунёда бирорта жоҳил қолмас эди.


التغريدة




د أحمد عيسى المعصراوي

ومن أنفع الأدوية الإلحاح في الدعاء.

3681. Энг манфаатли дори - дуода қатъий туриб сўрашдир.



3682. Али ибн Абу Толиб розияллоху анхуга: «Эй Абулхасан! Бизга дунёни васф қилиб беринг» дейишди. У зот: «Узун қилиб сифатлайми ёки қисқа қилибми?» дедилар. Атрофдагилар: «Қисқа қилиб», дейишди. Шунда Али розияллоху анху: «Дунёда топилган ҳалол нарса ҳисоб-китобга тортилади, ҳаром топилгани эса дўзахга равона бўлади», дедилар.



3683. Тақво йўлини танлаганлар юксалади, ҳавои-нафс йўлини танлаганлар пастга қулайди.



3684. Илм-маърифатни икки йўл билан қўлга киритилади: мавзуни ўрганиш ёки ўша мавзу ҳақидаги маълумотларни қаердан топишни ўрганиш.



3685. Бадбин (пессимист) шамол йўқлигидан шикоят қилади. Некбин (оптимист) эса ҳамроҳ шамолни кутади. Воқеъий (реалист) эса елканли кеманинг йўналишини ўзгартиришга киришади, яъни ҳамроҳ шамолни кутиб ўтирмайди.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

درر السلف:

كان الثوري لا ينام إلا في أول الليل
ثم ينتفض فزعا مرعوبا ينادي النار
شغلني ذكر النار عن النوم والشهوات .

حلية الأولياء لأبي نعيم 6/70

3686. Суфён Саврий туннинг фақат аввалида ухлардилар, холос. Сўнгра чўчиб уйғониб, «Дўзах!» деб бақириб юборар, «Дўзахни эслаш мени уйқу ва шахватдан банд қилиб қўяди», дер эдилар.



3687. Имом Абулхусайн Нурий роҳимахуллоҳ шундай дебдилар: «Қалбнинг тўрт хил мақоми бор. Аллоҳ таоло уларни «содр», «қалб», «фу`ад», «лубб» деб атаган.

«Содр» Исломнинг маъданидир. Аллоҳ таоло бу ҳақда: «**Аллоҳ кўксини Исломга кенг қилиб очиб қўйган зот Роббидан келган нурда эмасми?**» деган (*Зумар сураси, 22-оят*).

«Қалб» иймоннинг маъданидир.

Аллоҳ таоло бу ҳақда: «**Аллоҳ сизларга иймонни маҳбуб қилиб, уни қалбларингизда зийнатлади**» деган (*Хужурот сураси, 7-оят*).

«Фу`ад» маърифатнинг маъданидир.

Аллоҳ таоло бу ҳақда: «**Қалб унинг (кўзнинг) кўрганини ёлғонга чиқармади**» деган (*Нажм сураси, 11-оят*).

«Лубб» тавҳиднинг маъданидир.

Аллоҳ таоло бу ҳақда: «**Бунда ақл эгалари учун аломатлар бор**» деган (*Оли Имрон, 190-оят*).

Демак, лубб тавҳиднинг, фу`ад маърифатнинг, қалб иймоннинг, содр Исломнинг манзилдир.



3688. Иброҳим ибн Адҳамга: «Нима учун одамларга аралашиб, улар билан ҳамсуҳбат бўлмайсиз?» дейишди. У зот шундай дедилар: «Ўзимдан паст мавқеъдаги одам билан гаплашсам, жоҳиллиги билан менга озор беради. Ўзимдан юқори мавқеъдаги одам билан гаплашсам, менга такаббурлик қилади. Ўзим билан тенг мавқеъдаги одам билан гаплашсам, менга ҳасад ва ичқоралик қилади. Шунинг учун суҳбатида малоллик бўлмаган, боғланишда узилиш бўлмаган Зот – Аллоҳ билан машғул бўламан, яъни У Зотни зикр қилиб юраман».



3689. Ҳарф таниган одам адиб бўлиб қолавермайди. Ҳамма ҳам ёзаверади, лекин уни озчилик ўқийди, аммо жуда озчилик англайди.



3690. Шундай арзимас ишларимиз борки, улкан ва буюк ишларимизни бузиб ташлайди, аммо бунни ўзимиз сезмай қоламиз.



قال تعالى :
﴿ فَأَتَابَهُمُ اللَّهُ بِمَا قَالُوا ﴾
وقال سبحانه :
﴿ وَلُعِنُوا بِمَا قَالُوا ﴾
فقط هي نتيجة لكلمات قيلت
انتبه لما تقول !

3691. «Аллоҳ уларга айтганларига яраша (жаннатни) мукофот қилиб берди» (Моида сураси, 85-оят).

«Айтганлари учун лаънатга учрагайлар» (Моида сураси, 64-оят).

Демак, оғиздан чиққан сўз учун жаннатга ҳам, дўзахга ҳам тушиш мумкин. Шундай экан, тилимизга эҳтиёт бўлайлик!



3692. Аллоҳ таоло яхши гумон учун шундай гўзаллик ато қиладики, бу гўзалликни кўзлар асло кўра олмайди.



3693. Нима учун кўз ёшининг суви шўр, оғизнинг суви ширин, қулоқнинг суви эса аччиқ эканини биласизми?

Аллоҳ қулоқнинг сувини ўта аччиқ қилишидаги ҳикмат шуки, ҳашарот ёки қурт-қумурска қулоққа кириб кетса, аччиқ сув уларни ўлдирар экан. Қулоқнинг суви ширин бўлса, ухлаганимизда ҳашаротлар кириб кетиши мумкин эди.

Кўз ёшининг шўр бўлиши кўзнинг муҳофазаси учун экан. Кўзнинг ёғи бузилишга мойилроқ бўлгани учун бу сувнинг шўрлиги кўзни ҳимоя қилиб турар экан.

Оғиз сувининг ширин бўлиши таъмларни қандай бўлса, шундайлигича ҳис қилиш учун экан. Агар бу сувнинг мазаси бошқача бўлса, дунёдаги барча таъмлар ўзгариб кетган бўлар эди.

Ҳар бир нарсага қодир, ғайбларни билувчи Аллоҳ покдир!



3694. Аллоҳнинг раҳмати хусусида шак қилишдан сақланинг, чунки гуноҳларингиз замон ва макон жиҳатидан чегараланган, аммо Роббимиз раҳматининг чегараси йўқ!

Аллоҳ таоло: «**Раҳматим эса ҳамма нарсдан кенгдир**», деган (*Аъроф сураси, 156-оят*).



3695. Аллоҳ таоло шундай дейди: «**У қай бирингиз амалда яхшироқ эканингизни синаш учун ўлим ва ҳаётни яратган Зотдир**» (*Мулк сураси, 2-оят*)

Фузайл ушбу оят ҳақида шундай деган эканлар: «Амалда яхшироқ» дегани амалнинг қанчалик холис ва тўғри бўлишидир. Амал холис бўлса-ю, тўғри бўлмаса, қабул бўлмайди. Тўғри бўлиб, холис бўлмаса ҳам қабул қилинмайди. Ихлос Аллоҳ таоло учун, тўғри амал эса суннатга мувофиқ бажарилади».

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي


ما أعظمها من وصية !!

قال رجلٌ لِـ أَبِي الدرداء: أوصني ..

قال: تذكر يوماً تصير فيه السريرة علانية

3696. Бир киши Абу Дардога: «Менга насихат қилинг» деди. Абу Дардо: «Сирлар ва махфий ишлар ошкор бўладиган кунни унутма!» дедилар.


Нақадар буюк насихат!



3697. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Меърож куни (еттинчи осмондаги) Сидратул мунтаҳогача чиқиб, сўнгра қайтиб келгач ҳам, камбағаллар билан бир дастурхонда овқатланиб, бўйра устида яшайвердилар. У зотга Аллоҳнинг салавоту саломлари бўлсин!

Баъзилар мусулмон бўлмаган юртларга бориб, негадир у ердан кеккайиб қайтишади. Ер ҳам кўтара олмайдиган даражада такаббур бўлиб, ўз динини, ўз юртининг урф-одатини, ўз халқининг яшаш тарзини танқид қилишади!

Инсоният тарихида ҳали Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдек зот йўқотилмаган, Қиёматга қадар у зот каби инсон топилмайди ҳам!



3698. Инсон билиши лозим бўлган нарсалардан бири шуки, Аллоҳ бир нарсани олиб қўйса, ҳикмат билан олган бўлади. Бирор нарсани қолдирса, раҳматига биноан қолдирган бўлади. Мўмин банда Роббининг ҳикмати билан раҳмати орасида ҳеч қачон зое бўлмайди.



3699. Умар ибн Абдулазиз (узоқ ўлкада яшаётган) ўғлининг минг дирҳамга узук сотиб олганини эшитиб қолиб, унга шундай мактуб ёздилар: «Менга айтишларича, минг дирҳамга узук сотиб олибсан. Зудлик билан уни сотиб, пулига мингта муҳтожга таом бер. Кейин бир дирҳамлик темир узук сотиб олгин-да, унга «Ўз қадрини билган кишига Аллоҳ раҳм қилсин», деб ёздириб ол».



3700. Мусибат тушган заҳоти сабр қилиш айна ибодатдир.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

أجمل العطور ليس ما تضعه على جسدك
وملابسك بل ما يخرج من لسانك ويسمعه غيرك
ويشعر به من حولك .
اللهم اجعله صباحاً مملوءاً بنسائم رحمتك .

3701. Энг хушбўй атир танангга, кийимларингга суртганинг эмас, балки тилингдан чиққан, бошқалар эшитган, атрофингдагилар ҳис қилган нарсалардир.

Аллоҳим, тонгни раҳматинг шабадалари билан тўлдир!



3702. Ҳаётимда кашанда билан сигаретчалик бир-бирига вафодорларни кўрмадим. Чунки сигарета кашандага вафодорлигидан ўзини ёндириб тугатади. Кашанда ҳам сигаретага вафодорлик қилиб, ўзини ўлдиради. Бундай дўстлик, бундай вафодорлик яна қаерда бор?



3703. Бахтли одам ҳамма нарсага эга бўлмайди. Лекин ўзи эга бўлган ҳамма нарсаси билан бахтли бўлади.



3704. Юзага келган ҳолатнинг сабабини билмай туриб кўрган нарсангдан ҳукм чиқара кўрма!



3705. Лукмони Ҳақим ўғлига шундай деган экан: «Ўғлим! Ёмонлик ёмонликни ўчиради деган одам ростгўй бўлса ҳам ёлғон айтибди. Ишонмаса, оловнинг ёнига олов ёқсин-чи, бир-бирини ўчира олармикан? Демак, оловни сув ўчирганидек, ёмонликни ҳам яхшилик ўчиради».


التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

لا قيمة لنظافة الأبدان إذا اتسخت الألسنة
والقلوب!

3706. Тилинг ва қалбинг булғанган бўлса, тананг тоза бўлгани бир пул!



3707. «Эй инсонлар! Роббингиздан кўрқинглар! Зеро, (Қиёмат) Соати (олдидаги) зилзила улуғ даҳшатли нарсадир. Уни кўрар кунингизда эмизикли оналар эмизиб турган боласини унутади, хомиладор аёллар хомиласини ташлаб юборади. Одамларни маст-аласт ҳолда кўрурсиз, аммо улар маст эмаслар, балки Аллоҳнинг азоби (шу қадар) қаттиқдир» (Ҳаж сураси, 1-2-оятлар).



3708. Биз динга чақирувчи даъватчилармиз, бировлар устидан ҳукм чиқарувчи қозилар эмасмиз!

Шайх Бутий роҳимаҳуллоҳнинг ажойиб сўзларидан.



3709. Шайх Ахмад Заррук шундай дебдилар:

«Ким Аллоҳга муносабатим яхши деб даъво қилса-ю, унда ушбу беш иллатдан бири кўриниб қолса, унинг иддаоси ёлғон экан:

1. Аъзоларини Аллоҳга маъсият бўладиган ишларда эркин қўйиб юбориш.
2. Аллоҳга ибодат қилишда сохталикка йўл қўйиш.
3. Аллоҳнинг бандаларидан тамагир бўлиш.
4. Аллоҳнинг дўстларига иғво қилиш.
5. Мукулмонларни Аллоҳ буюрган кўринишда ҳурмат қилмаслик.

Аллоҳ сизу бизни ушбу ёмон иллатлардан сақлаб, сўз ва амалда и ихлос насиб қилсин!



3710. «Агар (инсонлар ва жинлар ҳақ йўлда) мустақим бўлса, уларни мўл ёмғир билан суғорган бўлур эдик (яъни уларга мўл-кўл ризқ ато этган бўлур эдик)» (Жин сураси, 16-оят).

Демак, тоат-ибодат мўл-кўл ризқ ва фаровон ҳаётнинг сабабчиси экан.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

■ قال ذو النون :

■ ما طابت الدنيا إلا بذكره .

■ ولا طابت الآخرة إلا بعفوه .

■ ولا طابت الجنة إلا برؤيته .

[مجموع رسائل ابن رجب (١٢٤)]

3711. Зуннун шундай деган экан:

- Дунё Аллоҳнинг зикри билан мароқлидир.
- Охират Аллоҳнинг кечириб, афв қилиши билан гўзалдир.
- Жаннат Аллоҳни кўриш билан завқлидир.



3712. Бир киши Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, «Воҳ, гуноҳларим кўпайиб кетди, гуноҳларим кўпайиб кетди», деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Аллоҳумма, мағфиротука авсаъу мин зунуубий, ва роҳматука аржаа ындий мин ьамалий» (Аллоҳим, мағфиратинг гуноҳларимдан кенгроқ, раҳматинг амалларимдан умидлироқ) дегин», дедилар. Кейин «Такрорла», дегандилар, у такрорлади. Сўнгра яна «Такрорла», дегандилар, у яна такрорлади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Ўрнингдан тур, Аллоҳ гуноҳингни кечириб бўлди», дедилар.


«Тарғиб ва тарҳиб» китобидан.



3713. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам Муоз ибн Жабалга: «Неъматга ғарқ бўлишдан сақлан, чунки Аллоҳнинг ҳақиқий бандалари неъматга ғарқ бўлмайдилар», дедилар.

Имом Байҳақий ривояти.

Изоҳ: Аллоҳнинг яхши бандалари овқат ва ичимликдан бардавом хузурланишмайди, дабдабали кийимлар кийишмайди, яъни еб-ичиш ва кийинишда ҳаддан ошишмайди.



3714. Омадли одамларнинг ютукқа эришиш сири шуки, улар хатога дуч келганда ўзини маломат қилмайди, балки ўша хатодан сабоқ олиб, қайта такрорламасликка ҳаракат қилишади.



3715. Битта сабзини олиб, иккига бўлинг. Ярмини шакарли сувга, ярмини тузли сувга сол. Бир неча кундан кейин бири мураббога, бири эса тузламага айланади. Сенинг аҳволинг ҳам шундай. Солиҳлар билан юрсанг, Аллоҳнинг изни билан солиҳ бўласан. Бузуқлар билан юрсанг, Аллоҳ асрасин, ўзинг ҳам бузуқлардан бирига айланасан.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال الله تعالى :


(قال هل أمنكم عليه إلا كما أمنتكم على أخيه
من قبل) .
احذر .. إذا فقدَ أحبَّكَ ثقتهم فيك ..
فمن الصعب جداً أن تعود .

3716. «Ақасини ишонганимдек, уни ҳам сизларга ишониб топширайми?» (Юсуф сураси, 64-оят).

Яқинларингнинг ишончини йўқотиб қўйишдан эҳтиёт бўл!
Ишончни қайта тиклаш жуда қийин нарса!



3717. Яхши инсонлар озор чекса ҳам жим туриб, сукут қилиш билан ўзини юпатадилар.



3718. Бир киши Ҳасан Басрий роҳимахуллоҳнинг ҳузурларига келиб, «Эй Абу Саъид! Қалбим қотиб, тошбағир бўлиб кетганимдан сизга шикоят қилмоқдаман», деди. У зот: «Зикр айтиш билан унинг адабини бериб қўй», дедилар.



3719. Эй одам боласи! Тўплаган мол-дунёнинг, дўстларинг, кеккайишинг, мансабинг, қариндош-уруғларинг, болаларинг ва оиланг қаерда қолди? Энди ким сени ҳимоя қилади? Савол-жавобга тайёрмисан? Қабрда шафоатчи бўлиб ўртага тушадиган Қуръонни ўқиганмидинг ёки ташлаб қўйганмидинг? Бу ерда ҳимоянг учун солиҳ амаллар қилиб, намоз ўқирмидинг?



3720. Ибн Аббос розияллоху анху шундай дедилар: «Ҳасбуналлоху ва ниъмал вакил» (Бизга Аллоҳнинг Ўзи кифоя, У Зот нақадар яхши вакил!) деган сўзни илк бор Иброҳим алайҳиссалом оловга ташланганларида айтганлар».

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам шундай деганлар: «**Одамлар сизга қарши куч тўплашди, улардан қўрқинглар, дейилганда уларнинг иймонлари зиёда бўлди ва: «Бизга Аллоҳнинг Ўзи кифоя, У Зот нақадар яхши вакил!»**, дейишди» (Оли Имрон сураси, 173-оят).


Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва бошқа муҳаддислар ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам саҳобаларидан бирига: «**Бошингга оғир иш тушса, «Ҳасбияллоху ва неъмал вакийл» дегин**», деганлар.

Изоҳ: Баъзилар мўминларнинг олдига келиб, қурайшликлар уларга қарши катта куч тўплаганини айтиб, қўрқитмоқчи бўлишди. Бироқ қўрқиш ўрнига мўминларнинг иймони зиёда бўлди, улар «Бизга Аллоҳнинг Ўзи кифоя, У Зот нақадар яхши вакил», дейишди.

«Ҳасбуналлох» – бизга Аллоҳ кифоя, «ҳасбияллох» – менга Аллоҳ етарли дегани.



3721. Аллоҳнинг бандага берган энг катта неъмат – одамларни унга муҳаббатли қилиб қўйишидир. Бу шундай инъомки, уни дунёдаги барча бойлик эвазига ҳам сотиб олиш мумкин эмас.



3722. Аллоҳнинг муҳаббатига сазовор бўлувчи зотлар:

«Яхшилик қилинг! Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севади» (Бақара сураси, 195-оят).

«Аллоҳ тавба қилувчиларни севади» (Бақара сураси, 222-оят).

«Аллоҳ ўзини мудом пок тутувчиларни севади» (Бақара сураси, 222-оят).

«Зеро, Аллоҳ тақво қилувчиларни севади» (Оли Имрон, 76-оят).

«Аллоҳ сабр қилувчиларни севади» (Оли Имрон сураси, 146-оят).

«Аллоҳга таваккул қилинг! У Зот Ўзига таваккул қилувчиларни севади» (Оли Имрон сураси, 159-оят).

«Аллоҳ адолат қилувчиларни севади» (Моида сураси, 42-оят).



3723. Сулаймон ибн Довуднинг онаси у зотга: «Ўғлим! Тунда кўп ухлама, чунки тунда кўп ухлаган одам Қиёмат куни камбағал бўлади», деган эканлар.



3724. Келажакка умидворлик дориси: «Сиз билмассиз, эҳтимол, Аллоҳ бундан кейин бирон ишни пайдо қилар?» (Талоқ сураси, 1-оят).



3725. Вақтинг кетиб, умринг ўтаётганини кўрсанг ҳам, фойдали ва манфаатли нарса улашмаётган бўлсанг, вақтингда барака йўқлигини кўрсанг, Аллоҳнинг ушбу оятидаги кимсалар қаторига кириб қолишдан эҳтиёт бўл:

«Биз қалбини зикримиздан ғофил қилиб қўйганларга ва ҳавойи нафсига эргашиб, иши издан чиққанларга итоат қилма» (Каҳф сураси, 28-оят).

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي


أهل النار أطلقوا العنان لشهواتهم
فكان مصيرهم
{وحييل بينهم وبين مايشتهون}
وأهل الجنة أجمعوا شهواتهم
فكانت الجائزة
{ولكم فيها ماتشتهي أنفسكم}

3726. Дўзахийлар шаҳват тизгинларини қўйиб юборгани учун шундай оқибатга тушиб қолишди.

«Улар билан ўзлари истайдиган нарсанинг (яъни иймон келтириб, дўзах азобидан қутулишнинг) ўргаси тўсиб қўйилди, Зеро, улар (дунё ҳаётида) шак-шубҳада эдилар» (Сабаъ сураси, 54-оят).

Жаннатийлар шаҳватларини тушовлаб олишгани учун уларнинг мукофоти жаннат бўлди.

«Сизлар учун (жаннатда) қўнгиллариңиз тусаган нарсалариңиз бордир, у ерда сизларга истаган нарсалариңиз бордир» (Фуссилат сураси, 31-оят).



3727. Иссиқ овқат совигунча емай туриш суннатдир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу: «Овқатнинг иссиқлиги кетмагунча ейилмайди», деганлар.

Асмо бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳо: «Сарид пиширсанг, иссиғи кетгунча устини ёпиб тур», деб, сўнг: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Иссиғини кетказиб ейишнинг баракаси кўпроқ», деганларини эшитганман», деганлар.

Имом Байҳақий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривояти.

Изоҳ: Сарид арабларнинг таоми бўлиб, «гўграмча» деганидир. Гўштни узок, озгина суви қолгунча қайнатиб, устига бугдой нон тўғралади, устидан гўштнинг шўрваси қуйилади. Кейин гўштни майдалаб, ноннинг бетига териб чиқилади ва устидан озгина сирка сепилади. Сарид арабларнинг энг ёқимли ва фойдали таоми ҳисобланади.



3728. Илмнинг моҳияти

Ибн Ражаб роҳимахуллоҳ шундай деганлар: «Ривоят ва мақоланинг кўплиги илм эмас. У қалбларга юборилган нур бўлиб, банда у сабабли ҳақни англайди ва ҳақ билан ботилни ажратиб олади».



3729. Қайнаб турган сувда аксингни кўра олмаганингдек, ғазаб отига минган пайтингда ҳам ҳақиқатларни кўра олмайсан.



3730. Мол-дунёга заковат, фазилат ва ақл билан эришиш имкони бўлганида, олий мартабаларни забт қилган бўлардим. Лекин бу нарсага Роббимнинг фазли, тақсимоти ва ризқ улашиши билан эришилади, талабгорнинг хийласи билан эмас.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

أعظم الكرامة لزوم الاستقامة

3731. Истиқомат, яъни каттаю кичик гуноҳлардан имкон қадар четланиб, ибодатларни ўз вақтида бажариб юришнинг ўзи улкан кароматдир.



3732. Набий соллаллоху алайҳи васаллам беморларни кўргани кирсалар, «**Лаа ба`са. Тоҳурун, ин шаа`аллох**» (Хечқиси йўқ, иншааллох, бу покланиш), дер эдилар. *Имом Бухорий ривояти.*

Изоҳ: Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам «Иншааллох, бу дард гуноҳингни поклайди», деган маънони ирода қилардилар.



3733. Ҳасан Басрий: «Аллох истиғфор айтган кишини азоблайди деб ўйламайман», дедилар. «Қандай қилиб?» дейишди. У зот: «Истиғфор айтишга илҳом берган Зот қандай қилиб озор беришни хоҳлайди?» дедилар.



3734. Саккиз нарса саккиз нарсанинг зийнатиدير:

1. Иффат – камбағалликнинг зийнати.
2. Шукр – неъматнинг зийнати.
3. Сабр – бало-офатнинг зийнати.
4. Ҳалимлик – илмнинг зийнати.
5. Хокисорлик – таълим олувчининг зийнати.
6. Кўп йиғи – хавф ва қўрқишнинг зийнати.
7. Миннатни тарк қилиш – эҳсоннинг зийнати.
8. Хушуъ – намознинг зийнати.



3735. Ўзига ишонган одам камтар бўлади. Камчилигини билган кимсагина такаббурлик қилади.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال أبو وهب المروزي
سألت عبدالله بن المبارك
فقلت ما هو الكب
قال: أن تزدري وتحتقر الناس.
فقلت وما هو العجب
قال: أن ترى أن عندك شيئاً ليس عند غيرك


3736. Абу Ваҳб Марвазий шундай дебдилар: «Абдуллоҳ ибн Муборакдан «Ал-Кабб нима?» деб сўрадим. У зот: «Одамларни паст санаб, менсимаслик», дедилар. «Ал-Ужб нима?» дедим. У зот: «(Бирор фазилат ёки давлатни) бошқаларда йўқ, ўзингда бор деб кўришинг», дедилар».



قال أحد كبار السن لأولاده:
"قد حدثناكم عن جوع مر بنا، واني لأخشى أن تحدثوا
أبناءكم عن نعمتي مرت بكم"
اللهم ارزقنا شكر نعمتك

3737. Бир қария фарзандларига деди: «Биз-ку сизларга ўтмишда бошимиздан ўтказган очлик ҳақида гапириб турамиз. Лекин сизлар фарзандларингизга фақат тўқлик ҳақида гапирасизлар деб қўрқаман».

Аллоҳим, неъматлар учун шукр туйғусини насиб қилгин!



3738. Аллоҳга яқин бўлишдан маҳрумлик, Қуръон тиловат қилишдан маҳрумлик, намоз ва уни хушуъ билан ўқишдан маҳрумлик, ота-онага яхшилик қилишдан маҳрумлик бало-офатларнинг энг оғиридир. Ҳақиқий бало мана шу, лекин кўпчилик буни билмайди.



3739. Иймоннинг асоси ростгўйликдир. Нифоқнинг асоси эса ёлғондир. Шунинг учун ёлғон билан иймон жам бўлмайди, балки доим бир-бири билан курашда бўлади.



3740. Ҳақим зотлар доим жим туришмайди, балки қачон жим туришни билишади.

التغريدة




د أحمد عيسى المعصراوي

قيل لابن عباس - رضي الله عنه - كيف
يكلم الله ﷻ الناس كلهم يوم القيامة في
ساعة واحدة ؟

قال: كما يرزقهم كلهم في ساعة واحدة .

3741. Ибн Аббос розияллоху анхуга: «Аллоҳ таоло Қиёмат куни қисқа муддатда барча одамлар билан қандай гаплашади?» дейишди. У зот: «Қисқа муддат ичида барча одамларга ризқ бергани каби», дедилар.



3742. Уч хил тижорат борки, улар ҳеч қачон қасод бўлмайди:

1. Қуръон тиловат қилиш.
2. Намозни тўқис адо қилиш.
3. Мол-мулкидан эҳсон қилиш.

«Аллоҳнинг китобини тиловат қиладиганлар, намозни тўқис адо этиб, Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошқора инфоқ қилганлар ҳаргиз қасодга учрамайдиган тижоратдан умидвор бўлурлар» (Фотир сураси, 29-оят).



3743. Абу Бакр Сиддик розияллоху анху: «Биродарнинг Аллоҳ йўлидаги биродарига қилган дуоси ижобатдир», деганлар.



3744. Ваҳб ибн Мунаббаҳ роҳимаҳуллоҳ: «Ўзи амал қилмай туриб динга чақирувчи кимса ипсиз камонда ўқ отган киши кабидир», деганлар.



3745. Билгинки, ҳар бир қушнинг ўзига хос овқати бор, лекин сен бу овқатни унинг уясидан топа олмайсан. Сенинг ҳам ҳеч ким тортиб олмайдиган ўзинга хос овқатинг бор, лекин уни ҳам ўз манзилингдан топа олмайсан.

Изоҳ: Ризқинга битиб қўйилган ўша таомни уйингдан ташқарига чиқиб қидиришинг керак, дейилмоқчи.


التغريدة




د أحمد عيسى المعصراوي

هل تعتقد أن الأقدام التي لا تقودك
إلى الصلاة ستقودك إلى الجنة!

3746. Намозга етаклаб бормайдиган оёғинг сени жаннатга етаклаб боради деб ўйлайсанми?




3747. Бомдод намозини ўқимайдиганлардан бахт-саодат деган тушунча ҳақида сўрамай қўяколинг. Ахир ёстикқа ошно бўлган кимса билан Аллоҳ учун намозга турган зот баробар бўлурми?!



3748. «Эсла, ўшанда Айюб Роббига нидо қилиб, «Мени зарар тутди. Ўзинг раҳмлиларнинг раҳмлисан!» деган эди» (Анбиё сураси, 83-оят).

Айюб алайҳиссалом зарарга дучор бўлганларида қилиб ўтган амаллари ёки сабрларига суянмадилар, балки ўта кучли ишонганлари, раҳмлиларнинг раҳмлиси бўлмиш Роббларига суяндилар.



3749. Инсон туғилганидан вафот этгунича мусибат ва муваффақиятсизликка тўқнаш бўлаверади. Аллоҳ таоло бу ҳақда: «Биз инсонни меҳнат-машаққатга яратдик», деган (Балад сураси, 4-оят).

Изоҳ: Инсон ўзига жон ато этилганидан то ўша жон танани тарк қилиб, чиқиб кетгунича меҳнат-машаққатда ҳаёт кечиради. Бу борада муслмон ҳам, кофир ҳам бир хил меҳнату машаққатларни бошдан ўтказади. Лекин муслмон куч-ғайратини имкон қадар савобли ишларга сарфлаб, охирадаги мангу роҳат-фароғатга эришади. Кофир, эътиқодсиз кимсалар эса арзон ҳою ҳаваслар ва ўзига ҳам, бировга ҳам бефойда-бевафо бўлган пуфак орзу-хаёлларга етиш йўлида жонини жабборга бериб, оқибатда бу дунёдаги меҳнат-машаққатлар етмагандек, у дунёдаги дўзах азоби-машаққатига ҳам гирифтор бўлишади.



3750. Қаҳр-ғазаб аҳмоқона тарзда бошланади-да, афсус-надомат билан тугайди.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

إنا (نراك) من المحسنين".

إحسانك يقرأه الناس في وجهك ...
في ملامحك..
في شيء يجدونه في قلوبهم تجاهك

تأمل

3751. «Сенинг чиройли амаллар қилгувчи инсон эканингни кўриб турибмиз»
(Юсуф сураси, 36-оят).

Қилган яхшилигингни одамлар юзингдан ўқиб олишади, яхшилигинг сабаб қалбларида сенга нисбатан хайрихоҳлик топишади!



3752. Зуннун Мисрийдан тавба ҳақида сўрашди. У зот: «Авомнинг тавбаси гуноҳлардан, хосларнинг тавбаси эса ғафлатдан бўлади», дедилар.

Изоҳ: Оддий одамлар гуноҳ қилганда тавба қилиши лозим бўлади. Лекин аҳли илм бўлмиш хос зотлар ғафлат ва танбаллик учун ҳам тавба қилишлари лозим.



3753. Аллома Саъдий шундай дедилар: «Ким Аллоҳга қалби, тили ва амали билан шукр қилса, унга мўл-кўлликдан башоратини бераверинг. Ким неъматни ғафлат ва гуноҳлар билан қарши олса, унга қаттиқ азобнинг «башорат»ини беринг».



3754. Оғиздан чиққан сўзнинг ҳиди бўлганида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтилган салавотлар энг муаттар хидлардан бўлар эди!

Эй Аллоҳнинг Расули, сизга Аллоҳнинг салавоту саломлари бўлсин!



3755. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анху шундай дедилар: «Биз учун Қуръонни ёдлаш қийин, амал қилиш осон эди. Биздан кейин шундай одамлар келадики, улар учун Қуръонни ёдлаш осон, амал қилиш қийин бўлади».

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال القاضي الأكفاني :
"وأقصر طرق الجنة سلامة الصدر".

[تاريخ دمشق: ٤٩/١٢٣]

3756. Қози Акфааний: «Жаннат учун энг қисқа йўл салим қалб соҳиби бўлишдир», дедилар.




3757. Таҳорат олиш ҳам ибодатдир. Сувни исроф қилиб, бу ибодатни гуноҳга айлантириб қўйманг!
Таҳорат олаётганда жўмакни кичикроқ очайлик!



3758. Солиҳ зотлардан бири шундай деган экан: «Диний илм ўрганмаган одам худди тикан, илон, йўлбарс ва бошқа ваҳший ва хавфли ҳайвонлар юрадиган ерда зулматда юрганга ўхшайди.



3759. Аҳмад Рифоъий шундай дебдилар: «Болам! Еганларинг фанога юз тутади, кийганинг эскириб, чирийди. Аллоҳга қайтиш эса олдиндан ҳал қилиб қўйилган муқаррар нарсадир. Яқинларингдан ажралиб, фироқ мусибатига учрашинг воқеъ бўлувчи чин ваъдадир».



3760. Абу Сулаймон Дороний шундай дедилар: «Шахватларга рағбатни тўхтатиш қалб учун бир йил кундузи соим, кечаси қоим бўлгандан фойдалироқ». «Ихёу улумиддин» китобидан.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال كعب بن مالك رضي الله عنه :

من أكثر ذكر الله برأ من النفاق .

[شعب الإيمان (1 / 415)]

3761. Каъб ибн Молик розияллоху анху: «Аллоҳни кўп зикр қилган одам нифоқдан йироқ бўлади», дедилар.



3762. «Сенга етган яхшилик Аллохдандир» (Нисо сураси, 79-оят)

Сабабчи бўлганларга раҳмат айтишдан олдин ўша сабабларни яратган Зотга шукр айтгин.

Изоҳ: Яхшилик қилган одамларга миннатдорчилик билдиришдан олдин ўша неъматни сенга раво кўрган Аллоҳга ҳамд айтиб, бунинг шукрини адо қил.



3763. Холи қолганда гуноҳ қилишдан, хусусан телефон орқали қилинадиган гуноҳлардан огоҳ бўл! Чунки бундай махфий гуноҳлар инсоннинг субутига путур етказди. Махфий ибодатни маҳкам тутишлар, чунки у шахватлар майлидан сақлайди!

Бу фикрни Аллоҳни яхши таниган орифлар ҳам қўллаб-қувватлашган.



3764. Уламолар бўлмаганида одамлар хайвондек, тентаклардек ҳаёт кечирган бўлар эди.

قيل لابن المبارك رَحِمَهُ اللهُ :
اجمع لنا حسن الخلق
في كلمة ، قال :
ترك الغضب .

3765. Ибн Муборак роҳимахуллоҳдан: «Хусни хулқни бир сўзда жамлаб беринг» деб сўрашибди. У зот: «Ғазабланмаслик» дебдилар.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال الله تعالى :

﴿نَزَلَ بِهِ الرُّوحُ الْأَمِينُ﴾

لا ينال شرف حمل القرآن حقاً إلا الأمتاء.

3766. «Қуръонни Рухул амийн (ишончли Жаброил алайҳиссалом) олиб тушди» (Шуъаро сураси, 193-оят).

Қуръонни ёд олиш шарафига ҳақиқий ишончли зотларгина эришади, холос.

Изоҳ: Қуръонни ёд олиш деганда уни ёд олиб, эсан чиқармаслик учун такрорлаб юриш ҳамда унга амал қилиб бориш тушунилади.



عندما احترق منزلهم
الأم أخرجت طفلها من النافذه حتى
لا يحترق وكانت هي التي تحترق!
الحروف لا تكفي لوصف الأم

3767. Уй ёняпти, лекин она ўзи ёнаётган бўлса ҳам, болам куймасин деб, уни ташқарига чиқариб қўймоқда.

Онани васф қилишга қалам ожиз!



3768. Ният қанча пок бўлса, тухфалар шунча равон кела бошлайди.

«Аллоҳ қалбларингизда яхшилик борлигини кўрса, сиздан олинганидан кўра яхшироқ нарсаларни берур» (Анфол сураси, 70-оят).



3769. Қаршингда ернинг эшиклари ёпиб қўйилса, демак, Аллоҳ таоло сен учун ердаги эшикларни ёпиб, осмон эшикларини очибди. Демак, Унинг Ўзига суяниш, Унинг Ўзига илтижо қилиш, Унинг Ўзига таваккул қилиш кераклигини англашингни, Унинг Ўзига нидо қилганиндаги овозингни эшитишни хоҳлабди. Шунда ожизликдан қудратга, хайратдан ҳидоятга, ночорликдан беҳожатликка ва хавф-хатардан омонликка қадам қўясан.



3770. Бир ҳақим зотдан «Бахт-саодат нима?» деб сўрашди. У зот: «Дунёда офият берилиши, охиратда эса афв қилиб, гуноҳлар батамом кечириб юборилиши», дедилар.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال الله تعالى:

"وربطنا على قلوبهم إذ (قاموا فقالوا) ربنا
رب السماوات والأرض " (الكهف 14)

صاحب الهمّة العالية فعله يسبق قوله!

3771. «Уларнинг қалбини (иймон билан) қувватлантирдик. Шунда улар (золим қаршисида) туриб, шундай дейишди: «Роббимиз осмонлару ернинг Роббидир. Ундан ўзга бирон «илоҳ»га ҳаргиз дуо қилмаймиз. Акс ҳолда, ноҳақ (сўзни) айтган бўлурмиз» (Қаҳф сураси, 14-оят)

Оятда аввал «туриб» деб, сўнг «дейишди» дейилган. Демак, олий ҳиммат соҳибларининг амаллари сўзларидан олдин бўлар экан!



الطريق إلى الله واضح جداً
كل معصية أو مخالفة هي معاقبة
كعقبة في الطريق إلى الله !
فإذا أزلتها وتبت منها جميعاً ،
صار الطريق سالكاً إلى الله


3772. Аллоҳ томон босилган йўл очиқ ва равшандир. Ҳар бир гуноҳ ёки исён Аллоҳ томон босилган қадамга ғов бўлади. Агар сен уларни бартараф қилиб, барча гуноҳларингга тавба қилсанг, Аллоҳ томон одимлайсан.



3773. Шайх Али Тантовий шундай дедилар: «Бир куни ўзимга ўзим: «Аллоҳ чинданам сени севадими?» деб савол бердим. Кейин эслаб кўрсам, Аллоҳ бандаларига нисбатан муҳаббатининг сабабларини Ўзининг Китобида зикр қилган экан. Саволимга жавоб топиш учун Аллоҳнинг Китобини варақлай бошладим. Қарасам, унда «**У Зот тақводорларни севади**» деган оят чиқди. Ўзимни тақводорлардан деб ҳисоблашга журъат қила олмадим. Кейин «**У Зот сабр қилувчиларни севади**» деган оятни топдим. Ўзимда сабр етишмаслигини эсга олдим. Сўнгра «**У Зот яхшилик қилувчиларни севади**» деган оятни топдим. Бундан унча узоқламай, қидиришни тўхтатиб кўя қолдим. Чунки Аллоҳ мени севишига сабаб бўлувчи бирор нарса топа олмасликдан чўчидим. Кейин амалларимни текширишни бошладим. Қарасам, аксари фаолиятсизлик, камчилик ва гуноҳларга қоришиб кетганини ҳис қилдим. Шунда У Зотнинг «**Аллоҳ тавба қилувчиларни севади**» деган сўзи эсимга тушди. Ана шу оят мен ва мен каби гуноҳкорларга тааллуқли эканини тушуниб, шояд Аллоҳ мени ҳам сева деган илинжда «**Астағфируллоҳал ғазийм ва атуубу илайх**» (*Буюк Аллоҳдан мағфират сўрайман ва Унга тавба қиламан*) деб пичирлай бошладим.



3774. Кўпчилик болаларнинг чалғиб, бузуқ йўлга кириб кетишига оталарнинг таълим-тарбия беришда ва диндаги фарз ва суннатларни ўргатишда бепарво бўлгани сабаб бўлади.



3775. Мўмин банда неъмат ва тухфаларнинг ўзига эмас, балки моҳиятига қарайди. Чунки гоҳида бир неъматнинг берилмай, тўсилиб туриши неъматнинг ўзидан қадрлироқ бўлади. Сен ўзингча неъмат берилмади деб гумон қиласан. Лекин аслида неъматни тўсиш билан сен муҳтож бўлган нарсанинг энг афзали ато қилинган бўлади.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال زيد بن أسلم :

كان يقال من اتقى الله أحبه الناس ولو كرهوا .

3776. Зайд ибн Аслам шундай дедилар: «Ким Аллоҳга тақво қилса, одамлар уни (баъзи қилиқларини) ёқтирмаса ҳам, ўша тақводорни яхши кўраверишади».

نوح عليه السلام
أغرق الكرة الأرضية
كلها بدعاء من أربع
كلمات "ربّ إني
مغلوب فأنتصر!"
فلا تيأس
من فضل الله.



3777. Нух алайҳиссалом қуйидаги тўртта сўздан иборат дуо билан бутун қурраи заминнинг ғарқ бўлишига сабабчи бўлганлар: «**Мен мағлуб бўлдим, ёрдам бер**» (*Қамар сураси, 10-оят*)

Сен ҳам Аллоҳнинг фазлу марҳаматидан ноумид бўлма!